

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

**Иқтисодиёт ва бошқарув
факультети**

декани, доцент _____ Ф Ахроров

«__» _____ 2013 йил

«Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва бошқаруви» кафедраси

5340100 – иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги)

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: “Чорвачиликда махсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш”
(Пастдарғом тумани мисолида)

Бажарувчи: 5340100 – иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги)

йўналиши кундузги бўлим 4-босқич толиби

М Бахтияров

Илмий раҳбар: ассистент

У Нуруллаев

Илмий малаҳатчи: доцент

Ф Ахроров

Битирув малакавий иши муҳокама

қилинди ва ҳимояга руҳсат

берилди, кафедра мудири,

и.ф.д., профессор _____ О.Муртазаев

«__» _____ 2012 йил

САМАРҚАНД - 2013

Мундарижа

Кириш.....	3
1. Мавзунӣ назарӣ асослаш ва адабиётлар шарҳи.....	12
2. Қишлоқ хўжалигида ресурслар салоҳиятидан фойдаланиш имкониятлари.....	17
2.1. Ер- сув ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш	17
2.2. Меҳнат ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш	21
2.3. Моддий-техника ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш...	25
3. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигининг ҳозирги ҳолати.....	36
3.1. Иқтисодий самарадорлик тушунчаси, мезонлари, кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш йўллари.....	36
3.2. Чорвачилик маҳсулоти ишлаб чиқариш самарадорлигининг ҳозирги ҳолати.....	60
3.3. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш	66
4. Иқтисодий эркинлаштириш даврида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни такомиллаштириш йўллари.....	72
4.1. Чорвачиликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари.....	72
4.2. Чорвачилик маҳсулотлари таннархини пасайтириш имкониятлари.....	75
5. Чорвачилик тармоғида маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳаёт фаолияти ҳафсизлигини таъминлаш чоралари.....	91
Хулоса ва таклифлар.....	96
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	101

Кириш

Мамлакатимизда фаолият юритаётган шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари сонини кўпайтиришни рағбатлантириш, сервис хизматлари тармоғини ташкил этишга доир чоратadbирлар дастурининг амалга оширилиши натижасида чорвачиликни ривожлантиришда ижобий силжишлар қайд этилмоқда. Чорвачилик соҳаси аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини таъминловчи асосий тармоқлардан бири бўлиб, республикада ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ялпи улушининг 42,2 фоизи ташкил этади. Республикамизда чорвачиликни ривожлантиришга жуда катта эътибор берилмоқда. Жумладан, кейинги йилларда чорвачиликни ривожлантириш борасида 2006 йил 23 мартда қабул қилинган ПҚ-308-сонли ва 2008 йил 28 апрелдаги ПҚ-842-сонли қарорлари ва 2006-2011 йилларда чорвачиликни ривожлантиришга мўлжалланган Дастурларнинг қабул қилиниши чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик соҳаларини ривожланишини таъминлади.

Президентимиз томонидан соҳани ривожига учун қабул қилинган 2 та муҳим қарорлар ва ушбу қарорлар билан чорвачилик соҳасига берилган имтиёзлар эвазига, тежалган маблағлар наслчилик ишларини яхшилашга ва маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги ҳисобига қатор ижобий натижалар кўлга киритилди. Жумладан, кейинги уч йил мобайнида қорамоллар бош сонининг кўпайиши барча вилоятларда ўртача 113 фоизга тўғри келди ёки Республика бўйича уларнинг ўртача сони 2009 йилда 8 млн 510,8 минг бошдан 2011 йилда 9 млн 642,5 минг бошга етказилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Республика чорвачилиги асосан аҳолининг шахсий ва деҳқон хўжаликларида шаклланган ва улар ҳисобидан жадал кўпаймоқда. Жумладан, қорамолларнинг 94 фоизи ва сигирларнинг 95 фоизи ушбу хўжаликларда парвариш қилинмоқда. Республикамизда наслчилик базасини мустаҳкамлаш, чорвачилик фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларда насли қорамоллар подасини кўпайтириш, насл

ядросини шакллантириш ва кенгайтириш, қорамоллар маҳсулдорлигини ошириш мақсадида республикаимизга 2006-2011 йиллар мобайнида четдан 23,2 минг бошдан ортиқ насли урғочи тана ва ғунажинлар импорт қилинди ва кўпгина наслчилик фермер хўжаликлари янгидан шаклланди.

Ҳозирги кунда қорамолчилик йўналишидаги наслчилик хўжаликлари сони 414 тага етказилиб, уларда 99 минг 460 бош юқори наслдор қорамоллар парвариш қилинмоқда. Биргина 2011 йилда уларда 7,3 мингдан ортиқ насли моллар тайёрланди ва фермер ва деҳқон хўжаликларига сотилди. Бугунги кунда Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ-1675-сонли қарори билан чорвачилик соҳасига берилган имтиёзлар муддати 2014 йил 1 январигача узайтирилди.

Қорамолларнинг насл ва маҳсулдорлик имкониятларини оширишда наслчилик–селекция ишларида ҳам ижобий ўзгаришларга эришилмоқда. Завод типидagi наслчилик фермер хўжаликлари ва корхоналари импорт қилинган голштин, швиц ва қизил зотли моллар ҳисобидан шаклланмоқда. Бугунги кунда республикада швиц, бушуев, голштин, қизил чўл ва қора-ола зотлари парвариш қилинмоқда. Аксарият наслчилик тоифасидаги хўжаликларда сигирлардан бир кунда 20-30 килограммдан ёки лактация давомида 6-7 минг кгдан сут соғиб олинмоқда. Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида қорамол подаларини яхшиловчи голштин, швиц ва қизил зотлари билан такомиллаштирилиши ҳам ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Четдан насли мол олиб келишда ҳар бир ҳудуднинг табиий-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда районлаштирилган зотларни урчитишни алоҳида эътиборга олиш зарур.

Германияда ишлаб чиқарилган “Мини тјуб” линияси республикаимизда ишга туширилганлиги натижасида талаб этиладиган насли буқа уруғи тўлиқ ўзимизда ишлаб чиқариш имконияти яратилди. Кейинги 3 йил давомида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидаги она молларни сунъий уруғлантириш 158 фоизга ошди натижада 2011 йилда 1,5 млн. дан ортиқ сигирлар сунъий уруғлантирилди. Сунъий уруғлантиришнинг афзалликлари

бир бош (насли) буқани насл сифатидан фойдаланиш мақсадида унга асраш ва боқиш сарф-харажатларни келтириб чиқаради, сунъий уруғлантиришда наслдор буқа уруғидан фойдаланиш эса жуда арзонга тушиши билан бирга турли хил юқумли жинсий касалликларнинг олди олинади, бир жайдари молни сунъий уруғлантириш натижасида 3 авлоддан кейин насли мол берадиган даражада махсулот олишга эришилади. Масалан, бир кишлок оиласида сигирни сунъий уруғлантириш эвазига бир бош сигирдан кунлик сут соғиб олиш 5 кг. га ошган тақдирда, бир йилда 1,5 тонна сут кўпаяди, бир кг сутни нархи ўртача 1000 сўмдан ҳисобласак, бир йилда бир оилага 1,5 млн. сўм кўшимча даромад бўлади.

Кейинги йилларда республикада чорвачилик соҳасида амалга оширилган чора-тадбирлар хусусан сигирларни сунъий уруғлантириш ва четдан насли моллар келтириш ва янгидан наслчилик йўналишидаги хўжаликлар ташкил этилганлиги уларда етиштирилган насли подаларнинг шахсий, ёрдамчи ва фермер хўжаликларига етказиб берилганлиги натижасида сут ва гўшт ишлаб чиқариш ҳажмлари йилдан йилга кўпайиши кузатилмоқда.

2009-2011 йиллар мобайнида сут ишлаб чиқариш ҳажми республика бўйича ўртача 117,5 фоизга ошди. Агар 2009 йилда 5 млн 760,7 минг тонна сут ишлаб чиқарилган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 6 млн 766,2 минг тоннага етди. Гўшт ишлаб чиқариш жадаллиги 2009-2011 йиллар мобайнида 114 % ни ташкил этди. 2009 йили 1 млн 367,8 минг тонна гўшт ишлаб чиқарилган бўлса, 2011 йили 1 млн 564,2 минг тоннани ташкил этди. Чорвачиликнинг яна бир муҳим тармоқларидан бири бу қўйчиликдир. Республикамизнинг барча тоифадаги хўжаликларида қўй ва эчкилар сони 2009-2011 йиллар мобайнида ўртача 112 % га кўпайишига эришилди. 2009 йил қўй ва эчкилар сони 14 млн 438 минг бошдан 2011 йили 16 млн 187 минг бошгача кўпайди.

Ҳаммамизга маълумки, чорвачиликнинг ривож ва чорвачилик махсулотлари ишлаб чиқаришни жадаллаштиришдаги муаммолар озуқа базасини мустаҳкамлаш ва молларни талаб даражасидаги тўйимли озуқалар

билан таъминлашга боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сонли қарорига асосан чорва моллари озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида озуқа экинлар майдонини ошириш, озуқа экинлар уруғчилигини ташкил этиш, кучли озуқалар етказиб бериш тизими белгилаб берди. Қарорга асосан ҳар бир туманда омукта ем, шрот ва шелуха сотиш бирлашмалари ва уларнинг кўплаб шахобчалари ташкил этилган бўлиб, бундан асосий мақсад шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига кучли озуқаларни етказиш тизимини соддалаштириш, истеъмолчиларга тенглик асосида кучли озуқаларни ортиқча оловорагарчиликсиз етказиб бериш кўзда тутилган.

Аҳолини медицина меъёрида сут, гўшт ва тухум маҳсулотлари билан таъминлаш ва бу борада кенг қамровли ишлар олиб бориш, алоҳида дастурлар қабул қилиш долзарб вазифалар бўлиб ҳисобланади. Аҳоли жон бошига: Гўшт – 40 кг, сут-140 кг, тухум -121 донга талаб этиладиган бўлса, бугунги кунда жон бошига гўшт 36 кг, сут-239 кг, тухум -122 донани ташкил этмоқда. Чорвачиликда озуқа базасини мустаҳкамлаш, мавжуд озуқа майдонларидан самарали фойдаланишни, амалдаги қонунчиликка асосан ҳар бир шартли мол ҳисобига вилоятларнинг тупроқ-иқлим шароитидан, ер унумдорлигидан келиб чиққан ҳолда чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликларига 0,30-0,45 гектардан суғориладиган ер майдонларини ажратишни талаб этади.

Мавжуд ер майдонларидан унумли фойдаланиш тажрибалари ижобий натижалар бермоқда. Айрим чорвачилик фермер хўжаликларида бир гектардан олинadиган озуқабоп экинлар ҳосилдорлиги 9-10 тонна озуқа бирлигидан ошмоқда. Илғор тажрибадан келиб чиққан ҳолда, чорвачилик фермер хўжаликларида озуқабоп экинларни жойлаштириш, навларни танлаш ва ҳосилдорликни ошириш агротехникаларини такомиллаштириш зарур. Жумладан, 6 далали қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизими самарали ҳисобланади. Унда 2 далада беда ва 4 далада кетма-кетликда оралиқ экинлар ва макаржўхори, силос, сенаж ва дон учун экилади. Йил давомида бир хил

озиклантириш типига ўтиш захираси яратилади. 2011 йилда республикамизда чорвачиликда озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида 8 минг 354 га ер майдонига кузги беда, 87 минг 721 га ер майдонига оралиқ экинларни экиш таъминланди.

Хурматли Юртбошимизнинг дон мустақиллигини таъминлашдаги тамойиллари бир йўла аҳолининг шахсий ва дехқон хўжаликлари чорвасини озуқалар билан таъминлаш муаммосини ечиб берди. Улар учун улкан озуқа захираси яратилди. Шу боисдан ҳам аҳоли ва дехқон хўжаликларида чорва моллари сони ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 мартдаги ва 23 августдаги “2011 йилда Республикада қорамолчилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик тармоқларини ривожлантириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, озуқабоп экинлар уруғларини етиштириш тизимини яратиш, сервис хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш тўғрисида” Дастурларга мувофиқ Маҳаллий ҳокимликлар томонидан янгидан: қорамолчилик йўналишида 584 та лойиҳа ишга туширилди ва 23 минг бош қорамоллар парваришланиб, улардан 9 минг 282 тонна сут ва 2051 тонна гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Бу мақсадларга 75 млрд. 966 млн.сўм, шундан 40 млрд. 524 млн. сўм банк кредитлари ва 35 млрд. 442 млн. сўм фермер хўжаликларининг ўз маблағлари сарфланди ва 1492 та ишчи ўринлари яратилди. Чорвачиликни ривожланишига албатта чорва молларига малакали хизматлар кўрсатиш, уларнинг касалликларига қарши кураш энг мухим масалалардан биридир. Ҳайвонларнинг соғлигини сақлаш халқаро ташкилотининг расмий маълумотига кўра, дунёнинг кўпгина мамлакатларида ҳайвонларнинг юқумли касалликлари бўйича эпизоотик вазият юзага келган.

Бугунги кунда Республикада 32 та корхона томонидан 210 турдаги ветеринария препаратлари ишлаб чиқарилмоқда. Натижада Республикамизда

чорва молларининг ўта хавфли касалликларининг олди олиниб, эпизоотик барқарорлик таъминланмоқда.

Ишнинг мақсади. Ишнинг асосий мақсади Чорвачилик хўжаликларида маҳсулотлари сут, гўшт, тухум ва жун учун ихтисослашган тармоқлар харажатларни ҳисоблаш, уларни ташкил топиши, таннарх элементларини моддалар буйича таҳлили, таннархга таъсир қилувчи омилларни тўғри аниқлаш, таннархни камайтириш, чорвачилик хўжаликлари ҳолатини таҳлил қилиш орқали самарадорликга эришиш ҳамда хўжаликлар имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш, маҳсулдорликни ошириш имкониятларини, меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш, уларни амалиётга тадбиқ этиш орқали иқтисодий жихатдан самарадорликга эришишни таъминлашдир.

Ишнинг вазифалари. Ишнинг асосий вазифалари қуйидагича. Асосий мақсаднинг мураккаблиги ва кўпқиралигини ҳисобга олиб, унинг назарий ва амалий масалаларини ўрганиш ҳамда амалга оширишни ёритишдан иборатдир.

- Чорвачилик хўжаликларининг ташкилий-иқтисодий ҳолатини ўрганиш;
- Чорвачилик хўжаликларида чорва маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;
- Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигининг ҳозирги ҳолати
- Чорва маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан олинган фойданинг омилли таҳлили
- Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш
- Чорва маҳсулотлари сифатини яхшилаш ва рақобатбардошлигини ошириш имкониятларилари
- Чорвачилик фермер хўжаликларида меҳнат унумдорлигининг ҳолатини таҳлил қилиш ва уни яхшилаш йўллари қидириш.
- Чорвачилик фермер хўжаликларида чорва маҳсулотлари-гўшт ишлаб чиқаришнинг таннархини ўрганиш, уни таҳлил қилиш ҳамда таннархни

пасайтиришнинг аниқ имкониятларини аниқлаш ва фойдаланиш бўйича таҳлиллар тавсиялар ишлаб чиқиш;

- Чорвачилик фермер хўжаликларида сут, гўшт ва бошқа чорва маҳсулотларини сотишдан олинadиган фойдананинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;
- Чорвачилик фермер хўжаликларида ёш қора молларни гўшт учун ўстиришнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш, рентабеллик даражасини ўрганиш, уни ошириш имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Бозор иқтисодиёти шароитида чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини оширишда таннархни камайтириш йулларини ишлаб чиққан ҳолда амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ишни бажаришнинг манбаи. Битирув малакавий ишни бажариш Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани иқтисодиёт ва статистика бўлимининг, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимига, фермерлар кенгашига қарашли чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг бирламчи ва йиллик ҳисобот маълумотлари асосида амалга оширилди.

Мавзуни бажариш услублари.

Малакавий ишни бажариш давомида чорвачилик фермер ва деҳқон хўжаликлари маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ва уни сотишдан олинadиган фойдасини ҳисобга олиш, олинган барча маълумотларни статистик йўл билан қайта ишлаш, иқтисодий сиёсий таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланиш.

Шунингдек чорвачиликда таннархни аниқлаш, таҳлил қилиш, ва уни пасайтириш орқали иқтисодий самарадорликка эришишда бир қатор иқтисодчилар, чорвачилик бўйича олимларнинг илмий ишлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқаларга асосланган.

Ишнинг предмети. Ишнинг предмети чорвачиликга ихтисослашган фермер ва дехқон хўжаликларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қиймати, таннархини аниклаш, уни камайтириш васамарадорликни оширишнинг илмий амалий жиҳатдан исботланган вариантларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ўтказилган тажрибанинг илмий янгиликлари. Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида чорвачиликга ихтисослашган дехқон ва фермер хўжаликларида сутга ва гўштга йўналтирилган қарамоллар афзалликлари, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар, унинг таннархи, фермер хўжаликлари фаолиятининг молиявий аҳволи, уни такомиллаштиришнинг назарий асослари таҳлил қилинди, бугунгача илмий ва амалий жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган қуйидаги натижаларга эришилди:

- Чорвачиликга ихтисослашган фермер хўжаликларининг ташкилий-иқтисодий аҳволини ўрганилди.
- Чорвачилик фермер хўжаликларида чорва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолати ўрганилди ҳамда таҳлил қилинди.
- Чорвачилик фермер хўжаликларида сутга ва гўштга йўналтирилган қарамолларни ўстиришда имкониятлардан самарали фойдаланиш йўллари кўрсатилди.
- Чорвачилик фермер хўжаликларида меҳнат унумдорлигининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинди.
- Чорвачилик фермер хўжаликларида чорва маҳсулотларининг ҳозирги таннархи ўрганилди. Унинг таркиби бўйича таҳлил қилинди реал имкониятлар ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар қилинди;
- Чорвачилик фермер хўжаликларида чорва маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолати, даражаси, таҳлил этилди ҳамда уни амалга ошириш омиллари ва имкониятларидан тўла фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

- Бундан ташқари чорвачиликда маҳсулдорликни ошириш имкониятларидан фойдаланишда инновациянинг роли ўрганилди ва тавсиялар киритилди.

Иш натижаларининг амалий аҳамияти. Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани Навбахор фермер хўжаликгида чорва ҳайвонларини ўстириш, чорва маҳсулотлари ишлаб чиқишда таннарх харажатларини камайтириш имкониятларидан фойдаланган ҳолда самарадоликни оширишга ҳисса қўшади.

Ишнинг таркибий тузилиши. Битирув малакавий иши кириш қисми, асосий қисм (5 боб), хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар, иловалардан ташкил топган.

1. Мавзуни назарий асослаш ва адабиётлар шарҳи.

Чорвачиликнинг халқ хўжалигидаги ўрни, унинг моҳияти бизга яхши маълум чунки чорвачилик маҳсулотларининг таркибида инсон учун керак бўлган оқсил каби барча озиқа моддалари мавжуд. Енгил саноатга эса ҳам-ашё етказиб бериш билан муҳимдир. Шу нуқтаи назардан малакавий битирув иши мавзуси долзарб ҳисобланади. Мамлакатимиз Президенти И.Каримовни ўз асарларидаги фикрлари мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жумладан чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада ривожлантириш ва тармоқларнинг иқтисодий самарадорлигини ошишини белгилаб беради. Шу ўринда муаллифларнинг қўйидаги адабиётларига шарҳ бериб ўтсак.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (асосий қонуни). –Т.: Ўзбекистон, 2008.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини барқарор ривожланишининг долзарб муамolari. Ўзбекистон Республикасининг «Мулк тўғрисида», «Мулқларни давлат тасарруфида чиқариш ва хусусийлаштириш», «Ер тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун ва кодексларда ҳамда Республика Вазирлар маҳкамаси агросаноат мажмуининг ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган.

2. Каримов И.А. “2013 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” - Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2012 йилнинг асосий яқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий–иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Зарафшон. 18.01.2013 йил.

Мазкур маърузада Президентимиз томонидан қишлоқ хўжалигида олиб Борилаётган иқтисодий ислоҳотларга тўхталиб ўтилиб, жумладан шундай фикрларбилдирилган: Аввало, мураккаб об-ҳаво ва иқлим шароити туфайли вужудга келган муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан, қишлоқ меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати ҳисобидан 2012 йил энг муҳим

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари давлат ҳариди бўйича шартнома мажбуриятлари нафақат бажарилгани, балки ортиғи билан бажарилганини таъкидлаш ўринлидир.

3. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”. Дарслик. -Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, 2006.

Мазкур адабиётда қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини шакллантиришнинг назарий, услубий ҳамда амалий асосларини таҳлил этганлар. Тармоқда амалга оширилаётган ташкилий ва иқтисодий ислохотларнинг мазмун ва моҳияти Республикамиз Президенти асарларига ва амалиётдаги меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда таҳлил этганлар. Қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати, корхоналар ва тармоқларнинг ривожланиши, иқтисодий самарадорлиги, қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб этилиши ва уларнинг самарадорлиги илмий жиҳатдан асосланган ҳолда таҳлил этилиб, келажакда уларнинг самарадорлиги юксалишини таъминловчи омиллар кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари дарсликда чорвачилик тармоғи ва уни самарадорлигини оширишга қаратилган назарий фикрлар билдириб ўтилган.

4. Исмоилов А., Муртазаев О. “Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти”. –Т.: – Молия, 2005.

Ушбу дарсликда фермер хўжаликларининг ташкилий иқтисодий тавсифи, қишлоқ хўжалик корхоналарида ресурслар потенциалидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида «Самара» «Самарадорлик» ва «Иқтисодий самарадорлик» тушунчаларининг назарий асослари, меҳнат унумдорлиги тушунчаси ва унинг кўрсаткичлари ҳамда таннарх тушунчаларини, уна пасайтириш йўллари тўлиқ кўрсатиб ўтилган. Қишлоқ хўжалигида асосий иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари тизими ва уларни ҳисоблаш усуллари, шунингдек чорвачиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти ва уни иқтисодий самарадорлигини ошириш, таннархини камайтириш

чорвачиликнинг ривожланиши ҳозирги аҳволи ва истиқболлари юзасидан фикрлар батафсил ёритилган.

5. Жураев Ф. “Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш”.- Т.: -Истиқлол, 2004.

Ушбу дарсликда қишлоқ хўжалигида хўжалик фаолиятини ташкил этиш, иқтисослаштириш масалалари, қолаверса фермер хўжаликларининг ташкилий иқтисодий тавсифи, фермер хўжаликларида бизнесни режалаштириш масалалари келтириб ўтилган.

Бундан ташқари, дарсликда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархи ва ишлаб чиқариш рентабеллигининг назарий асослари, рентабелликни турлари ва уни ҳисоблаш усуллари келтирилган. Шунингдек, ушбу дарсликда қишлоқ хўжалик корхоналарида чорвачиликни ташкил этишнинг умумий масалалари ёритилган.

6. Умурзоқов И.Т., Тошбоев А.Ш., Рашидов Ш., Тошбоев А.А. “Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва менежменти”.-Т.: Иқтисод-молия, 2008.

Ушбу адабиётда қишлоқ хўжалигининг ресурслари салоҳияти, иқтисодий самарадорлиги, меҳнат унумдорлиги каби тушунчалар билан биргаликда, қишлоқ хўжалигида бошқарув, бошқарув самарадорлиги, фермер хўжаликларида бошқарув тизими каби тушунчалар ҳақида баён қилинган.

Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири бу меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобланади. Меҳнат унумдорлигининг мазмуни, уни ошириш имкониятлари бўйича, адабиётлар, манбалар билан танишиш шуни кўрсатадики, ушбу кўрсаткични ҳисоблаш усуллари, кўрсаткичлар тавсифи кенг ёритилган. Худди шунингдек 28-апрел 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эълон қилинди.

Ушбу қарорда ҳам камчилик ишни яхшилаш, зооветеренария хизмати кўрсатиш корхоналари учун жихозлар етказиб бериш, “Ўззоовет таъминот хизмат” бирлашмасининг технология ва ёрдамчи ускуналарни фермер хўжаликларига ўз вақтида етказиб бериш кўрсатилиб, умуман ушбу қарор 11та бантдан иборатдир. Юқорида берилган адабий мақолаларни қунт билан ўрганиб шунингдек ушбу мавзуда берилмаган бўлсада шу мавзуга таълуқли бўлган бошқа адабиётларни ўқиб, фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари жумладан арзон ва сифатли гўшт маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришни билиб олдик.

7. Эргашев Р.Х. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. -Т.: Extremum Press, 2011.

Ушбу дарсликда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётидаги ислохотларни эркин бозор шаклларида ўтишини ва мустақил товар ишлаб чиқариш самарадорлиги кенг ёритилган. Қишлоқ хўжалигидаги мавжуд ер-сув, моддий – техника ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати, қишлоқ хўжалик корхоналарининг барқарор шаклланиши, иқтисодий самарадорлигини илмий жиҳатдан асосланган ҳолда таҳлил қилиниб, истиқболда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарор суръатда ривожланиш йўналишлари очиқ берилган. 7-бобида қишлоқ хўжалиги корхоналарида машина трактор паркидан фойданиши самарадорлигини ошириш ва уларнинг иқтисодий курсаткичларини тўлик баён этилган.

8. Абдуллаев А.А., Айбешов Х.А. Фермер хўжалиги иқтисоди. -Т.: Алоқачи, 2008.

Ушбу ўқув қўлланмада аграр соҳада ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор шаклларида бири ҳисобланган фермер хўжаликларининг илмий назарий асослари, мавжуд манбаларидан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муваффақиятли бошқариш билан боғлиқ бўлган масалалар атрофилича ёритилган.

9. Қудратов Т. ва бошқалар Корхоналар фаолиятининг иқтисодий таҳлили. Методик қўлланма. Самарқанд. 2006.

Ушбу қўлланмада қишлоқ хўжалик корхоналарида хўжалик фаолиятини ҳисоблаш йўллари ёритилиб берилган. Фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш чора тадбирлари батафсил ёритилиб берилган. Хўжалик юритувчи ҳар бир фермер хўжалигининг фаолиятини ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш орқали маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва иқтисодини мустаҳкамлаш имкониятлари аниқланган. Ушбу методик қўлланмада қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг таҳлили батафсил таҳлил қилиниб берилган.

10. Урдушев Х., Усмонов Р. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий-математик усуллар ва моделлар. Самарқанд. 2006.

Бу ўқув қўлланмада экин майдонларини оптимал таркибини аниқлаш, чорва молларига оптимал озуқа рациони тўзиш, минерал ўғитларни оптимал тақсимлаш, транспорт масаласи каби оптималлаштиришнинг назарий тушунчалари ёритилган. Назарий ва амалий тушунчалар аниқ мисоллар асосида кўрсатиб берилган. Олинган оптимал ечимлар таҳлил қилинган. Асосий тушунчалар аниқ ва умумий талаблар асосида еритиб берилган.

2. Кишлоқ хўжалигида ресурслар салоҳиятидан фойдаланиш имкониятлари

2.1. Ер сув ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш

Кишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг асосларидан бири бу табиий ресурслардир. Табиий ресурсларнинг энг керакли унсурларига эса ер киради. Ер кишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг асосий омили, меҳнат йўналтирилган объект сифатидаги меҳнат предмети, шунингдек, турли хил маҳсулотларнинг жойлашув макони, инсонлар учун турар жой ҳамда ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсининг яшашига мўлжалланган меҳнат куролидир. Ҳар бир халқ ва миллат ерни асосий бойлиги сифатида еътироф этади, бир нечта шарт ва омилларни бирлаштирган ҳолда кишлоқ хўжалигидаги афзалликларни ер орқали тавсифлайди.

Ер ресурслари – бу қуруқлик юзасининг жами йиғиндиси бўлиб, унинг таркибига бошқа табиий объектлар ҳам киритилади. Булар: ўрмонлар, ўсимлик ва бошқа тирик организмлар, сув объектлари. Ер ресурсларининг сув объектлари ўз ичига кўллар, кўлмак ва ҳовузлар, ариқларни қамраб олади. Океан, денгизлар ва дарёлар эса сув ресурслари таркибига киради.

Ҳар бир давлатнинг ер-сув ресурслари табиат ва жамиятда яшаш манбаидир, шунингдек, ер ва сув бир-бирининг мавжудлигини тақозо қилади.

Ер ресурслари ҳам бошқа ресурслардек ўз хусусиятларига эга.

Биринчидан, ер – табиат маҳсули, инъоми ҳисобланиб, у инсон меҳнати билан яратилмайди. Инсон фақатгина ерга меҳнатини йўналтириб, ё ернинг аҳволини яхшилайти, ёки умуман ёмон аҳволга солиши мумкин. Лекин инсон ўз хоҳиши билан ер ресурсларини ҳосил қилолмайди.

Иккичидан, ер чегараланган табиий ресурсдир. Инсон хоҳлаганча ерни кўпайтира ёки камайтира олмайди. Шу сабабли, бош мақсад ердан самарали ва тўғри фойдаланишдир. Бир мамлакат миқёсида ер миқдори унинг чегаралари билан аниқланса, умуман ҳудудлар сифатида эса ер миқдори қуруқлик юзаси билан белгиланади. Ер ресурслари жисмоний

нуқтаи назардан мураккаб мажмуа ҳисобланади. Бу мажмуа турли омиллар (кимёвий, физик, биологик) бирлашмаси билан характерланади. Ер ресурслари турли ер участкаларидан иборат бўлиб, улар бир-биридан тупроқ турлари, рельефи, миқдори ва бошқа характеристикаси билан фарқланади.

Учинчидан, ер абадий ишлаб чиқариш воситасидир. Шунингдек, ер ҳар доим ишлаб чиқаришдаги энг асосий омил сифатида ўз ўрнини йўқотмайди. Ундан маблағни кўпайтириш, ишлаб чиқаришда замонавий технологиялар орқали қишлоқ хўжаликдаги ерлардан унумли ва самарали фойдаланиш, шунингдек саноат ва уй-жой қурилиши мақсадида фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, техника тараққиёти юксак чўққиларга кўтарилганига қарамай ерни бошқа ишлаб чиқариш омиллари билан алмаштириб бўлмайди.

Ер ресурсларининг асосий қисми қишлоқларга тўғри келади. Статистика маълумотларга қараганда, АҚШ қишлоқ хўжалигига мамлакатдаги мавжуд ерларнинг 90 фоизини ажратади. Европа иттифоқи мамлакатларида мавжуд майдоннинг 80 фоизи, Россия Федерациясида эса 90 фоизга яқини қишлоқ хўжалигига йўналтирилган. Ўзбекистон Республикасининг жами ер майдони 44,74 млн гектар. Шундан 9 фоизи қишлоқ хўжалигига йўналтирилган.

Ер-сув ресурсларидан фойдаланиш усуллари турлича бўлиб, айниқса ер фондидан фойдаланиш учун инсонлар ва жамоалар бир-бири билан рақобат қиладилар. Улар ўз манфаатлари йўлида, шунингдек давлатга фойдалари тегиши мақсадида ерлардан фойдаланадилар.

Ер фондларини тақсимлаш ва давлат ҳисобидан ўтказиш давлатларда ер категориялари ҳамда ер бонитетларига қараб амалга оширилади. Ер категориялари бу ер фондининг бир қисми бўлиб, улар мақсадли равишда ҳуқуқий режим асосида тақсимланган. Қонун ҳужжатлари асосида ер категориялари қуйидагиларга бўлинади.

Ер экин майдони бу шундай ерларки, у аниқ мақсад йўлида, хўжаликлар шаклида фойдаланишга яроқлидир. Ер категориялари йиғма ва шартли тушунча бўлса, экин майдони маълум чегара, майдон ва жойлашувга эга. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер категориясининг асосини ҳам унумдор ерлар ташкил қилади.

2.1.1-жадвал

Фермер хўжаликларда ер фонди билан таъминланиш даражаси таҳлили, га*

№	Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 йил 2010 йилга нисбатан ўзгариши	
					Мутлоқ (+,-)	Ниспий (%)
1.	Умумий ер майдони	53270	53355	53942	672	101,5
2.	Қишлоқ хўжалиги яроқли ерлар	53185	53270	53903	718	103,5
-	Жами экин майдони	45358	45684	45652	294	100,6
-	ш.ж. Сўғориладиган ерлари	41588	41684	41842	254	100,6
-	Лалми ерлари	3770	3770	3810	40	101,0
3.	Кўп йиллик дарахтзорлар	3754	3976	4114	360	109,5
-	ш.ж боғ	1594	1654	1840	246	115,4
-	Узум	1265	1200	1199	-66	94,7
-	Тутзор	895	986	1075	180	120,1
7.	Пичанзор ва яйловлар	3740	3740	3761	21	100,5
8.	Буз ерлар	21	21	15	-6	71,4
9.	Бошқа ер майдони	312	321	361	49	115,7
10.	Ер ресурсидан фойдаланиш коэффициенти (ЕРФК)	0,998	0,998	0,996	-0,002	X
11.	Қишлоқ хўжалигида яроқли ерлардан фойдаланиш коэффициенти (К/ХЯЕФК)	0,852	0,857	0,855	0,003	x

*Манба: Пастдарғом туман фермер хўжаликларининг 2010-2012 йилги маълумотлари

2.1.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Пастдарғом туман фермер хўжаликларида жами ер майдони 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 672 га ёки 1,5%га ошган. Хўжаликда экин майдони 2010 йилда 53185 гектарни ташкил этган бу кўрсаткич 2012 йилда 53903 гектарни яъни 2010 йилга нисбатан 2012 йилда 3,5%га ошган. Экин майдонини ошиши ҳисобига суғориладиган ер майдони ҳам ошган. Туманда кўп йиллик дарахтлар 360 га ёки 9,5% га ошган. Шу жумладан боғ 246 га яъни 15,4% га ошган, узум 66 га ёки 5,3%га камайган, тутзорлар 180 га ёки 20,1 % га кўпайган.

Ер участкаларини фермер хўжаликларига узок муддатли ижарага бериш тартиби тартиби Вазирлар маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарорида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалигида камида 30 шартли бош чорва молларини боқиш шартлари билан ташкил этилади. Бунда шартли равишда ҳар бир бош мол ҳисобига қуйдаги коэффицентлардан фойдаланилади: қорамоллар (сигирлар.насил олинадиган новвослар) ва отлар учун -1.0. ёш қорамоллар учун -0.6. қўй ва эчкилар учун -0.1 чўчқалар -0.3 ҳамда парандалар учун -0.025 фермер хўжалигига бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами ҳар бир шартли бош чорва молига ҳисобланганда Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда – камида 0.30 гектарни Қорақолпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Жиззах, Навоий, Сурхондарё вилоятларидаги суғориладиган ерларда камида 0.45 гектарни суғорилмайдиган ерларда – камида 2 гектарни ташкил этади¹.

¹Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш асослари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси <<ФАН>> нашриёти 2003

2.2.Мехнат ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш имкониятлари.

Фермер хўжаликларининг ҳамма соҳаларидаги фаолиятида меҳнат ресурслари муҳим ўринни эгаллайди. Жамиятнинг моддий ва маънавий бойликларининг табиий- иқтисодий ресурслари ва манбалари инсон меҳнати ҳисобланади. Жамиятнинг моддий ва маъдания бойликларининг манбалари инсон меҳнати ҳисобланади. У Петти XVII асрда меҳнатни бойликнинг отаси деб аталган. Меҳнат бу инсоннинг мақсадли фаолияти бўлиб, бу жараёнда у табиат предметларини ўзининг эҳтиёжларини қондириш учун мослаштиради ва ўзгартиради, ўз кучини қўшгани ҳалда инсон, меҳнат курулларидан фойдаланиб табиат инсонларни, кишиларни моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирадиган моддий нематларга, бойликларга айлантиради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришсамарадорлигини меҳнат ресурсларининг миқдориغا, тартибига, малакасига ва улардан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ. Фермер хўжаликларининг меҳнат таркибига: Доимий, мавсумий ва вақтинчалик ишлар бўлади. Шунингдек, ходимлар меҳнат штатда турмайдиган, кўзга куринамас меҳнаткашларга, ўсмирлар, пенсионерлар кирадилар. Шу жумладан

1. Доимий ишловчиларга – муддатсиз ишга қабул қилинганлар;
2. Мавсумий ишловчилар — 6 ойгача муддатга қабул қилинадилар;
3. Вақтинчалик ишловчилар —2 ойгача муддатга қабул қилинганлар киритилади.

Фермер хўжаликларида меҳнат ресурсларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

- 1.Биологик ишлаб чиқариш воситалари тирик организмлар тупроқ, ўсимлик, ҳайвонларни ривожлантириш учун ходимлар меҳнат мазмунига йўналтирилганлиги.

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш тирик организмларнинг ривожланиш, ўзгаришига, уларнинг табиатининг ноорганик элементида органик моддаларга синтезлашувига боғлиқдир.

2. Меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлиги табиий, хусусий ернинг унумдорлиги ва об-ҳаво иқлим шароитларига боғлиқ.

Чунки иқлим тез ўзгариб турганлиги учун ўсимлик ва ҳайвонотга қулай шароит яратиш лозимлигидир.

3. Фермер хўжаликларида кўп ходимларнинг бир қанча меҳнат вазифаларини бажариши. Фермер хўжалиги ходимлари алоҳида технологик операцияларни бажаришга ихтисослашган тор малакали бўлмаслиги керак.

4. Фермер хўжаликларида меҳнат жараёнларида ўз-ўзини бошқариш, ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш.

5. Фермер хўжалиги ходимлари даромадининг деҳқончиликда ва чорвачиликда провард иқтисодий натижаларга боғлиқлиги. Бу боғлиқлик меҳнат операцияларини бажариш пайтида ходимлардан технологик талбларга риоя қилишда ўзини қаттиқ назорат қилишнинг бевосита шarti бўлиб ҳисобланади.

Фермер хўжалигининг ривожланиш даражаси, аввало меҳнат ресурслари билан таъминланиш ҳолатига боғлиқдир. Бу эса қуйидаги кўрсаткичлар билан ҳарактерланади.

— Меҳнат ресурслари билан таъминланиш даражаси, аввало, меҳнат ресурслари билан таъминланиш ҳолатига боғлиқдир. Бу эса қуйидаги кўрсаткичлар билан ҳарактерланади:

— Ўртача йиллик ходимлар сони кўрсаткичи. Бу кўрсаткич ходимларнинг сонини йил давомидаги кунлар (365 кунга) сонига бўлиш йўли билан аниқланади;

— Ўртача йиллик ходимлар сони кўрсаткичи. Бу кўрсаткич йиллик ишлаб чиқариш юкласи (237×7 ёки 187×7) ҳақиқатда бажарилган иш вақти миқдориға бўлиш орқали топилади;

— Иш кучининг кўчиб юриш коэффиценти. Бу коэффицент ишдан кетганларни ўртача хисобдаги ходимлар сонига нисбати билан аниқланади.

Фермер хўжаликларида меҳнат ва меҳнат унумдори кўрсатилган асосий мезон кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Меҳнат унумдорлиги деб, бир бирлик вақт ичида етиштирилган маҳсулот миқдори ёкибир бирлик маҳсулот бирлигининг етиштириш учун кетган вақт бирлигига айтилади.

Бир киши – соат хисобига етиштирилган маҳсулот миқдори,

$$V = \frac{Q}{T}$$

Бунда Q - ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг жами миқдори,

T - жами ишлаб чиқарилган маҳсулотга сарфланган меҳнат сарфи.

V – 1 киши соат ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори.

2. бир киши- куни хисобига етиштирилган маҳсулот миқдор

$$V = \frac{Q}{T}$$

Бунда, T - жами маҳсулотни етиштириш учун сарф бўлган киши-куни.

V - 1 киши кунида етиштирилган маҳсулот миқдори.

3. Ўртача бир ходим хисобига етиштирилган маҳсулот миқдори.

Меҳнат унумдорлигининг билвосита кўрсаткичлари бўлиб қуйидагилар хисобланади.

1. Маҳсулот бирлиги учун сарф бўлган киши-соат миқдри (1ц маҳсулотни етиштириш учун сарф бўлган киши-соат миқдори)

$$t = \frac{T}{Q},$$

T -жами киши соати, Q - жами маҳсулот миқдори,

t - 1ц маҳсулот етиштириш учун сарф бўлган киш соати.

2. Махсулот бирлиги учун сарф бўлган киши куни миқдори,

$$t = \frac{T}{Q};$$

T-жами киши куни,

Q- жами махсулот миқдори

t- 1ц махсулот етиштириш учун сарф бўлган киш куни.

Туман фермер хўжаликларида меҳнат ресурслари ва уларнинг тақсимланишини биз юқоридаги жадвал орқали кўриб чиқаришимиз мумкин

2.2.1-жадвал

Пастдарғом туманида меҳнат ресурслари манбаларининг шаклланиши, (киши)*

№	Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариш	
					Миқдорий, +/-	Нисбий, %
1.	Мавжуд аҳоли сони	280600	284720	289125	8525	103,0
2.	Меҳнатга лаёқатли аҳоли	146300	151145	156234	9934	106,8
3.	Банд аҳоли	84700	82120	85746	1046	101,2
4.	Фермер хўжаликлари аъзолари	19180	18765	18703	-477	97,5
5.	Ш.ж.: хотин-қизлар	8823	7708	7688	-1135	87,1
6.	Доимий ишчилар	16111	15231	15207	-904	94,4
7.	Ёлланма ишчилар	3069	3534	3496	427	113,9
8.	Рахбар ходимлар	968	887	881	-87	91,0
9.	Фермер хўжаликлари сони, дона	942	870	862	-80	91,5

*Манба: Пастдарғом туман фермер хўжаликларининг 2010-2012 йилги маълумотлари

2.2.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Пастдарғом тумани фермер хўжаликларида аҳоли таркиби 2010 йилда 280600 кишини ташкил этган бу кўрсаткич 2012 йилда 289125 кишини яъни 2010 йилга нисбатан 3% га ошган меҳнатга лаёқатли аҳоли 2010 йилда 146300 кишини, 2012 йилда 156234 кишини ташкил этган. Фермер хўжалик аъзолари 2010 йилда 19180 кишини 2012 йилда 18703 кишини яъни 2010 йилга нисбатан 477 кишига ёки 2,5 % га камайган. Туманда доимий ишчилар 2010 йилда 16111 кишини ташкил қилган бу кўрсаткич 2012 йилда 15207 киши, яъни 2010 йилга нисбатан 4,5% га камайган, ёлланма ишчилар эса 2010 йилга нисбатан 2012 йилда 11,9% га ошган.

2.3. Моддий-техника ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш имкониятлари.

Хўжалик фаолиятининг зарур элементи сифатида моддий-техника ресурслари муҳим аҳамиятга эга. Моддий-техника ресурслари таркибига кўп турдаги унсурлар киритилади: ишлаб чиқаришнинг моддий воситалари бўлмиш бинолар, иншоотлар, машиналар, уруғликлар, ўғитлар, қурилиш материаллари ва ёқилғи киради.

Моддий-техника ресурсларисиз қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (товар ва хизматлари) ишлаб чиқаришни ташкил этиб бўлмайди. Қишлоқ хўжалигида моддий-техника ресурслари ва бошқа турдаги ресурслар ўртасида жуда катта боғланиш мавжудки, бу боғланиш бевосита ишлаб чиқаришга таъсир қилади. Масалан, ишлаб чиқаришда бир турдаги моддий-техника воситаларидан (ем-хашак, ўғитлар, қурилиш материаллари ва ҳоказо) фойдаланиш моддий биологик ресурслар (маҳсулдор чорва ва парранда, балиқ, сув, ўтлар, ўсимликлар ва ҳоказо) билан биргаликда маҳсулотнинг моддий асосини ташкил этади. Бошқа турдаги моддий-техника ресурслари (иш қуроллари, машиналар, технологик ускуналар, ёқилғи мойлаш материаллари, ветеринар препаратлар, ўсимликларни ҳимоялаш воситалари, хўжалик асбоб-ускуналари ва ҳоказо) эса тайёр маҳсулотни шакллантиришда фаол равишда иштирок этади. Моддий-техника ресурсларининг яна бир қисми (энергетик машина, узатиш ускуналари, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари ва ҳоказо) ишлаб чиқариш жараёнининг умумий шарт-шароитларини таъминлайди. Яна бир қисми эса хўжалик юретишдаги шарт-шароитларни таъминлаб беради. Булар умумхўжалик хизматлари учун ускуналар ва бинолар, таъмирлаш устахоналари, омборхоналар ва ҳоказо.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг баъзи бир тармоқларида (чорвачилик, ўсимликчилик, ўрмончилик, балиқчилик ва бошқалар) моддий-техника ресурсларининг бевосита ёрдами билан маҳсулот ишлаб чиқаришнинг табиий-биологик жараёнлари амалга оширилади. Баъзи тармоқларда эса (овчилик, сув ресурсларини қайта тиклаш, саноат ва ҳоказо) чет мамлакатларда инсон қатнашмай туриб, моддий-техника ресурслари

ёрдамида ишлаб чиқариш амалга оширилади, яъни автоматлаштириш, механизациялаш орқали моддий-техника ресурсларининг ўзи ишлаб чиқаришни амалга оширади.

Албатта, қишлоқ жойларида ишлаб чиқаришни малакали ишчи кучисиз, ер-сув, биологик ва минерал ресурсларсиз, умуман табиий ресурсларсиз амалга ошириб бўлмайди. Моддий-техника ресурсларига эга бўлиш учун эса молиявий ресурслар зарур бўлади.

Ернинг чекланганлиги ва биологик ресурсларнинг муҳим хусусиятлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган моддий-техника ресурсларининг муҳим хусусиятлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган моддий-техника ресурсларининг, шунингдек ишлаб чиқариш технологиясининг сифати ва миқдорига, уларнинг ўзаро бирикиб ишлашларига бўлган талабларини янада кучайтиради. Мақсад – маҳсулотни сифатли қилиб, харажатларни камайтириш экан, аввало ресурслардан юқори савияда ва тежамли фойдаланиш керак.

Моддий-техника ресурсларига бино-иншоотларнинг ичида жойлашган барча машина, транспорт воситалари, материаллар билан бирга экин учун уруғликлар, кўп йиллик ўсимлик ва дарахтлар, кўчатлар, ўрмон, сув омборлари ва ҳоказолар ҳам киритилади. Шунингдек, ишлаб чиқариш – техник потенциал деган тушунча мавжудки, у қишлоқ хўжалигида истиқболда ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун мавжуд бўлган ва яратилажак моддий-техника ресурсларининг баҳоланиши, бошқа ресурслар билан бўлган муносабатлар, ишлаб чиқаришдаги куч қуввати ва бошқа хусусиятлари билан характерланади.

Моддий-техника ресурсларининг муҳим аҳамиятга эга эканини юқоридаги фикр-мулоҳазалардан билиб олдик. Уларнинг хусусиятлари тўғрисида гапирсак, энг аввало қишлоқ хўжалигида моддий-техника ресурсларининг ўзига хос бўлган хусусиятларига тўхталиш лозим:

1. ресурслар таркибида келиб чиқиши, ишлатилиши, вазифалари ва турларига кўра хилма-хилликка эга бўлган воситалар мавжудки, уларсиз

ишлаб чиқариш содир бўлмайди. Хусусан, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари таркибида энергетик ва ишчи машиналар, технологик ускуналар, трактор (универсал ва ҳайдайдиган), ўзи юрар шасси, стационар иссиқ двигателлар, ер қазувчи мелиоратив ва бошқалар, технологик машиналар; юк автомобиллари ва бошқалар, транспорт машиналар, трактор тиркамалари, чорвачилик фермалари учун ускуналар, ерга ишлов бериш ва ҳосил йиғиш учун махсус ишчи машиналари борки, уларсиз ишлаб чиқариш тўхтаб қолади. Фақатгина энергетик машиналарнинг ўзи қишлоқ хўжалигида энергетик қувватнинг 80 фоизини яратади. Ушбу машиналарнинг алоҳида вазифасига кўра ёки тизимли равишда ишлаши инсонни оғир ва чарчатувчи меҳнатдан озод қилиб, қўл меҳнати билан бажариб бўлмайдиган ишларни технологик жараёнлар воситасида амалга оширади. Шунинг боис алоҳида тармоқлар учун қишлоқ хўжалик ресурслари таркибида комплекс машиналардан фойдаланиш зарурияти туғилади.

2. Моддий-техника ресурслари қайта яратилиши мумкин. Бу ҳодиса эса саноат ишлаб чиқариши ҳисобида содир бўлади. Шу билан бирга, хўжалик фаолияти жараёнида ушбу ресурсларнинг жисмонан ва маънавий ескиришини ҳисобга олиб, уларни янги усул ва технологиялар асосида янада сифатлироқ ва миқдор жиҳатдан кўпроқ қилиб яратиш талаб этилади.

3. Қишлоқ хўжалигида моддий-техника ресурслари жорий этиш чекланган ҳисобланади. Бу чекланиш иқтисодий шарт-шароитлардан келиб чиқиб, қайта ишланишига замин яратади. Асосий чекланиш омилларига саноат қувватлари, ресурс ишлаб чиқарувчилар таклифи, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг тўлов қобилияти, товар айирбошлаш шарт-шароитлари кабиларни киритиш мумкин.

4. Қишлоқ хўжалиги учун ҳудудий бирлик характерлидир, шунга кўра моддий-техника ресурсларнинг кўп сонли қишлоқ жойларда бирдек хизмат кўрсатиш концентрацияси таъминланади.

5. Моддий-техника воситаларининг қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган ҳиссаси бошқа алоҳида тармоқларникига кўра каттароқ

бўлади. Булардан ташқари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда моддий-техника воситаларидан фойдаланишнинг яна қуйидаги хусусиятлари мавжуд: қишлоқ хўжалигининг ўзи мавсумий характерга эгаллигини инобатга олиб, моддий-техника воситаларидан фойдаланиш ҳам мавсумий характерга эгадир. Бу эса, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради;

- моддий буюмлашган кўринишдаги моддий-техника ресурслари табиий шароитлар таъсирига учрайди ва уларни сақлаш маълум миқдорда сарф-харажатларни талаб этади;

- қишлоқ хўжаликда фойдаланиладиган моддий-техника ресурслари таркибига жонли организмлар, ўсимликлар ва чорва моллари ҳам киради;

- ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган айрим моддий ресурслар шу хўжаликнинг ўзида яратилади (чорвачиликда фойдаланиладиган ем-хашак, ўсимликчиликда уруғлик, органик ўғитлар ва бошқалар).

Қишлоқ хўжалигида моддий-техника ресурсларининг туркумланиши асосан: келиб чиқиши, моддий-ашёвий тури, фаолият тури, мулк шакллари, хўжалик субъектлари тақсимооти, амалда фойдаланиш имкониятлари ва бошқаларга қараб амалга оширилади. Қуйидаги чизмада моддий-техника ресурсларининг туркумланиши берилган:

Чизмадан кўриниб турибдики, келиб чиқишига кўра моддий-техника ресурслари табиий ва сунъий моддий ресурсларига бўлинади. Сунъий моддий-техника ресурслари асосан саноатда ва қисман қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари ёрдамида ишлаб чиқарилади (2.2.1-расм).

2.2.1-расм



Табиий моддий-техника ресурсларига биологик, минерал ресурслари, куёш энергияси, ер, шамол, сув энергияси, ер-сув ресурслари кабилар киради. Минерал ресурслар, ўз навбатида, ўз ичига ёқилғи-энергетика қазилмалари (нефт, газ, кўмир ва ҳоказо), фойдали руда қазилмалари (темир, рангли металл, олтингугурт ва ҳоказо), шунингдек, бошқа минерал ресурсларни (кум, табиий тош, лой, бўр, торф, оҳак ва ҳоказо) қамраб олади. Моддий-ашёвий таркиб бўйича ресурсларнинг турланиши ресурсларнинг миқдорига кўра умумий техник ўлчовлар билан белгиланади. Бундай ресурсларга ишчи машиналар, ишлаб чиқариш иншоотлари, технологик ускуналар, тракторлар, автомобиллар киради.

Фаолият тури бўйича моддий-техника ресурслари асосан алоҳида тармоқларга ихтисослашган бўлса, бажараётган вазифасига кўра, ресурсларнинг тақсимланиши кўзда тутилган ресурсларни ўз ичига олади. Масалан, саноат корхонаси учун алоҳида ресурслар талаб этилса, қишлоқ хўжалик учун бошқа ресурслар керак бўлади.


Мулк шаклларига кўра, ресурслар ҳам туркумланади. Масалан, фермер ўзи техника воситасини сотиб олади ёки уни ижарага олади ва ҳоказо. Хўжалик субъектлари бўйича тақсимлашда ресурсларнинг ким томонидан фойдаланиши эътиборга олинади. Масалан, қишлоқ хўжалигида экиш ишларига компьютер керак эмас, чорвачилик маҳсулоти ишлаб чиқаришда

ўрим комбайни керак эмас. Шунга кўра, хўжалик субъектларининг ўзи ресурсларнинг кераклигини, талабга жавоб берадиганини танлайди.

Амалий фойдаланиш имконияти бўйича ресурсларнинг туркумланиши асосан фан-техника тараққиётига боғлиқ бўлади. Масалан, янги ихтиро қилинган комбайн ёки трактор синовдан ўтгач, амалда ундан қанча муддат сифатли фойдаланиш мумкин бўлади, буни албатта ишлаб чиқариш жараёни белгилаб беради.

Юқоридагилар билан бирга моддий-техника ресурслари қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва ижтимоий объект бўйича тақсимланади. Булар қуйида чизмада акс эттирилган (2.2.2-расм):

2.2.2-расм



2.2.2-расм. Моддий – техника ресурсларини тақсимланиш

Кўришиб турибдики, ишлаб чиқариш қатламига мансуб бўлган моддий-техника ресурслари таркибига асосан қишлоқ хўжаликда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи ресурслар киради. Масалан, қишлоқ хўжаликнинг ўзи (деҳқончилик ва чорвачилик), қишлоқ хўжаликни қайта ишловчи ва маҳаллий саноат, ўрмон хўжалиги, балиқчилик, қишлоқ хўжалиги қурилиши, савдо-сотиқ ва ҳоказо тармоқларга бўлинади, моддий-техника ресурсларига эса уй хўжаликлари, уй-жой қурилиш хўжаликлари, ўзини-ўзи бошқариш хўжаликлари, соғлиқни сақлаш масканлари, таълим ва фан, мактабгача тарбия муассасалари, маданият, ижтимоий таъминот, жамоат транспорти ва ҳоказога хизмат қилувчи ресурслар киради.

Қишлоқ хўжалик инфраструктураси эса ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланиш учун қишлоқ хўжалигида яратилган жами шарт-шароитларни ўз ичига олади. Бунга, ишлаб чиқариш учун ва инсонлар яшашига зарур шароитлар – иссиқлик энергитикаси, газ, ёруғлик билан таъминланганлик, омборхоналар ва ҳоказо ресурслар киради.

Қишлоқ хўжалигида ислохотларнинг чуқурлаштирилиши, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, моддий ва молиявий базани мустаҳкамлаш, уларга янада кенг йўл очиб бериш, бу борада янги имтиёз ва имкониятларни тўғдиради, қисқача айтганда, қишлоқда пайдо бўладиган мулкӣ муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари – мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш бугунги кунда энг катта аҳамиятга эга.

Мисол учун фермер хўжаликлари моддий-техника базасининг таркибий тузилмаси куйидагилардан иборат:

- фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари;
- фермер хўжаликларидаги кўп йиллик дарахтлар ва узумзорлар;
- чорва фермаларининг маҳсулдор ва ишчи хайвонлари;
- фермер хўжаликларидаги бино-иншоотлар, техникалар, машиналар ва бошқа иш қуроллари;
- фермер хўжаликларидаги айланма маблағлар (уруғлик, озуқа, ЁММ, минерал ўғитлар ва кимё);
- фермер хўжаликларининг ҳисоб рақамидаги пул маблағлари, қимматбаҳо қоғозлар;
- фермер хўжаликларининг таъсисчилиги асосида ташкил қилинган муқобил МТП, СИУ ва агрофирмалар ҳисобидаги мол-мулки;


Қишлоқ хўжалигида моддий-техника ресурсларини ишлаб чиқариш ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида олиб борилади.

Моддий-техника ресурсларининг замонавий кўриниши икки манба орқали кўзга ташланади: 1) мамлакатимизда фан-техника тараққиёти

юксалиши натижасидаги ишланмалар ҳамда 2) импорт, яъни чет ел илғор технологиялари кириб келиши натижасида.

Иккинчи турдаги ишлаб чиқариш орқали қишлоқ хўжалигининг кўпгина қирралари ривожлантирилмоқда. Масалан, АҚШ тажрибаси (машина-ускуналар келтирилади); Голландия тажрибаси (картошка ва бошқа полиз сабзавот экинлари); Канада, Англия, Франция ва Германия тажрибалари (юқори унумли мини заводлар, илғор технологиялар); Хитой тажрибаси (юқори қувватли мини заводлар) ва ҳоказо. Қишлоқ хўжалигида моддий-техника ресурсларининг шаклланиши қуйидагича тасвирланади,

(2.2.3-расм).



3-расм. Қишлоқ хўжалик иқтисодиётида моддий-техника ресурсларининг шаклланиши.

Моддий-техника ресурсларининг қишлоқ хўжалигида шакллантиришдаги асосий характеристикаси, бу ишлатилаётган моддий-техника ресурслари ҳажмини ўзгартириш, шунга кўра замонавий, сифатли юқори самарага эга бўлган, экологик жиҳатдан фойдали ҳисобланган техник ресурсларни кимёвий воситаларни технологияларни яратишдир. Бунга яна қуйидагиларни қўшимча қилиш керак: ҳозирги фан-техника юксалаётган бир даврда рационал, иқтисодий ва экологик жиҳатдан илғор бўлган моддий-техника ресурслари нафақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида, балки умуман қишлоқ ҳаёти ва атмосфераси учун ҳаётий заруратдир.

Моддий-техника ресурслари шаклланиши, шунингдек, молиявий воситалар ёрдамида амалга оширилади. Бу молиявий воситалар замонавий,

самарадорлиги юқори бўлган ҳамда экологик жиҳатдан фойдали ҳисобланган техникаларни, илғор технологияларни яратишда инвестициялар ва жорий капитал қўйилмалар шаклида сафарбар этилади. Жорий капитал қўйилмалар ишлаб чиқариш жараёнида такрор ишлаб чиқаришнинг қайтарилишини таъминлаш учун хом-ашё ва материалларни етказиш учун фойдаланилади.

2.3.1-жадвал

Пастдарғом тумани фермер хўжаликларида асосий фондлар қийматининг ўзгариши

Т/р	Кўрсаткичлар	2010 йил		2011 йил		2012 йил		2012 йил 2010 йилга нисбатан ўзгариши	
		Қиймати, млн сўм	Салмоғи, %	Қиймати, млн сўм	Салмоғи, %	Қиймати, млн сўм	Салмоғи, %	Қиймати, млн сўм	Салмоғи, пункт
1.	Бино	5769,33	36,38	610810	34	6095,54	32,03	326,21	-4,35
2.	Иншоат	1009,26	6,36	114257,4	6,36	1223,86	6,43	214,6	0,07
3.	Узатиш мосламалари	274,26	1,73	34133,5	1,9	320,54	1,68	46,28	-0,05
4.	Машина ва ускуналар	4239,69	26,74	583682,85	32,49	6299,04	33,10	2059,35	6,37
5.	Мебел ва офис жихозлари	43,05	0,27	1796,5	0,1	54,56	0,29	11,51	0,02
6.	Компьютер ва ҳисоблаш техникаси	8,82	0,06	1077,9	0,06	16,5	0,09	7,68	0,03
7.	Транспорт воситалари	1475,25	9,30	201208	11,2	2212,1	11,63	736,85	2,32
8.	Махсулдор ҳайвонлар	29,4	0,19	3413,35	0,19	36,3	0,19	6,9	0,01
9.	Қуп йиллик усимликлар	2592,45	16,35	219173	12,2	2715,9	14,27	123,45	-2,08
10.	Бошқа асосий воситалар	416,01	2,62	26947,5	1,5	54,56	0,29	-361,45	-2,34
	Жами	15857,52	100,0	17965	100	19028,68	100,0	3171,16	0

*Манба: Пастдаром тумани фермерлар уюшмаси бирламчи маълумотлари.2010-2012 й.

2.3.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики туманда асосий воситалардан бинолар қиймати 2010 йилда 5769,33 млн сўмни ташкил этган бўлса бу кўрсаткич 2012 йилда 6095,54 млн сўмни яъни 2010 йилга нисбатан 326,21 млн сўмга ошган, машина ва ускуналар миқдори 2010 йилда 4239,69 млн сўмни ташкил этган бўлса 2012 йилга келиб 2059,35 млн сўмга яъни жамига нисбатан салмоғи 6,37% га ошган. Туманда жами асосий фондлар 2010 йилда 15857,52 млн сўмни ташкил этган бўлса бу кўрсаткич 2012 йилга келиб 19028,68 млн сўмни ташкил этган, яъни жамига нисбатан асосий фондлар салмоғи 19,9 % га ёки 3171,16 млн сўмга ошган.

2.3.2-жадвал.

Пастдарғом тумани фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш учун зарур ресурслар билан таъминланганлиги (сўров ўтказилган пайтда)*

Т.р	Номи	Ресурслар етишмаслиги ни ҳис қилаётган фермерлар улуши, %	Фақат битта етказиб берувчидан ресурс сотиб олиш имконига эга фермерлар улуши, %
1	Экиш материали	7.8	81.8
2	Минерал ўғитлар	24.9	78.7
3	Ёқилғи-мойлаш материаллари	29	64.8
4	Қишлоқ хўжалик техника ва ускуналари	23.6	26.2
5	Эҳтиёт қисмлар	25.8	15.6
6	Суғориш суви	36.7	81
7	Механизациялашган ишларни бажариш хизматлари	18.1	17.6
8	Омухта ем	34.9	15.3
9	Чорва моллари учун бошқа озуклар	25.1	7.8
10	Ёш қорамол, зотдор моллар	27.1	14.8
11	Зооветпрепаратлар	13.1	18.3
12	Ветеринария хизматлари	8.2	19.7
13	Молларни сунъий қочириш	2.4	4.3
14	Сақлаш хизматлари	20.9	21.5
15	Агролабораториялар хизматлари	6.3	47.9
16	Қ/х техникасини таъмирлаш хизматлари	10.2	11.1
17	Ахборот-маслаҳат хизматлари	10.3	14.3

*Манба: Ўзбекистонда чорвачилик: бугунги ҳолат, муаммолар ва Тараққиёт истиқболлари Аграр секторни ривожлантириш тенденциялари нуқтаи назаридан таҳлил "Насаф" нашриёти 2010й

3. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигининг ҳозирги ҳолати

3.1. Иқтисодий самарадорлик тушунчаси, мезонлари, кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш йўллари

Товар ишлаб чиқарувчиларнинг истеъмол қийматини ишлаб чиқаришда ресурсларни максимал равишда тежашдаги манфаатдорлиги билан самарадорлик муаммоси вужудга келди. Бозор иқтисодиётида тадбиркорлик фаолияти ва таваккалчилиги асосида амалга ошириладиган, бир шароитда ишлаб чиқариш, самарадорлиги биринчи даражали аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ўзида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёни, моҳиятини акс эттирувчи иқтисодий категорияни кўрсатади. У кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришда қўлланиладиган ва иқтисодий қонунлар тизими билан белгиланадиган асосий мақсадларига эришилганлик даражасини ифодалайди.

Қатор иқтисодчи олимлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини қуйидаги турларга ажратадилар: технологик ишлаб чиқариш, иқтисодий ишлаб чиқариш, ижтимоий-иқтисодий ва экологик-иқтисодий.

Технологик ишлаб чиқариш самарадорлиги, ишлаб чиқариш жараёнида ерга оид, моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини акс эттирувчи кўрсаткичлар ёрдамида, ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш даражасини аниқлайди. Асосий кўрсаткичлар – ер фондидан фойдаланиш даражаси, моддий ва меҳнат харажатлари ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш – иқтисодий самарадорлик – технологик ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иқтисодий механизмларининг биргаликдаги таъсири натижалари. У қиймат кўрсаткичлари – таннарх, ялпи даромад ва соф фойда ва бошқалар билан ўлчанади.

Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик – тайёрланган иқтисодий ишлаб чиқариш самарадорлиги, иқтисодий манфаатлар реализациясини ифодалайди ва корхонанинг бутунича иш самарадорлигини аниқлайди. Унинг тавсифномаси учун иқтисодий кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади: ер майдони бирлигига маҳсулот қиймати, даромад нормаси, рентабеллик даражаси, бир ишчи ҳисобига истеъмол фонди.

Экологик-иқтисодий самарадорлик – қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш жараёнининг қишлоқ хўжалигига атроф-муҳитнинг экологик таъсирини ҳисобга олган ҳолда биргаликдаги иқтисодий натижавийлигини кўрсатади. У моддий ва меҳнат харажатлари билан бир қаторда қишлоқ хўжалик фаолияти жараёнида атроф-муҳитнинг

ифлосланганлиги ва бузилишининг келиб чиқишини олдини олиш, шунингдек, атроф-муҳит ифлосланиши туфайли, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидаги йўқотишлар натижавийлигини ифодалайди.

Бошқа гуруҳ омиллар фақат икки турдаги: ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигига бўлинади.

Ижтимоий самарадорлик, биринчи навбатда, ишчи кучларнинг такрор ишлаб чиқариши учун яхши шароит яратилади ва халқ фаровонлиги ортади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ижтимоий самарадорлик нафақат иқтисодий нуқтаи назардан, балки, ижтимоий натижаларни ҳисобга олиш билан ҳам баҳоланади (меҳнат шароитини яхшилаш, қишлоқда ижтимоий-маданий хизмат, аниқ иш ҳақини ошириш ва ҳоказо).

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлиги ижтимоий баҳолаш, экспертлик баҳоси ва ҳисоблаш усули билан аниқланиши мумкин.

Инсонлар фаровонлиги ўсишини кузатиб бориш учун биргаликдаги реал даромад кўрсаткичлари жиддий аҳамиятга эга. Бозор иқтисодиётига ўтиш даромадлардаги кескинлик муаммосини оширади, шунинг учун нафақат даромадлар индексини, балки, истеъмол саватидан келиб чиқиб ҳаёт қиймати индексини ҳам аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Даромадлар ва ҳаёт қиймати индекслари динамикасини таққослаш таҳлил қилинаётган даврда ишчи ва унинг oilаси фаровонлиги ўзгариши ҳақида фикр юритиш имконини беради.

Ижтимоий самарадорликни баҳолашда ишсизлик даражасини ишсизлар сонининг барча меҳнатга қобилиятлилар нисбатига солиштириб ҳисобга олмоқ зарур.

Иқтисодий самарадорлик олинган самарани фойланилган ресурслар ёки харажатга таққослаш йўли билан аниқланади. Жонли ва моддийлашган меҳнатнинг умумий харажатлари билан қандай бўлса, ишлаб чиқариш ресурслари билан ҳам шу тарзда таққослама асосида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш, шуни билдирадики, ишлаб чиқариш натижаси унинг харажатлари, шунингдек, ушбу жараёнга жалб этилган барча ресурслар ҳажми билан ҳам олдиндан белгиланади.

“Самара” ва иқтисодий “самарадорлик” тушунчаларини фарқлаш зарур. Самара – бу ўтказилган чора-тадбирлар натижаси. Масалан, Озуқаларни сарфлаш самараси маҳсулдорлик кўпайишида фойдалилигини билдиради. Буни олинган самарани уни олишга сарфланган харажат билан солиштирибгина билиш мумкин. Чунки, самара эмас, иқтисодий самарадорлик озуқадан фойдаланишнинг фойдалилигини белгилайди. Масалан, бир ҳолатда 1 та қорамолга озуқа солингандан кейин сут маҳсулдорлигини 3 с ёки пулда ифодаланганда

600 пул бирлиги, иккинчисида – мос равишда 6 с ва 1200 пул бирлиги, уларни қўллаш учун қилинган ишлаб чиқариш харажатлари 1 бош молга 900 пул бирлиги. Бу шароитларда биринчи вариантда ем хашак фойдасиз, иккинчисида эса фойдали қўлланилган.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий самарадорликнинг қуйидаги турлари мавжуд: халқ хўжалигига, тармоқларга, қишлоқ хўжалигининг айрим тармоқларига, хўжалик юритишнинг турлича шаклларида ишлаб чиқариш, хўжалик ичидаги тармоқлар алоҳида турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш – пахта, ғалла, сабзавот, сут ва ҳоказо, алоҳида хўжалик тадбирлари – агротехник, зоотехника, ветеринария, иқтисодий, ташкилийга оид.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг халқ хўжалигига доир самарадорлиги, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига талабини қондириш нуқтаи назаридан, саноатда – хом-ашёга, шунингдек, халқ хўжалиги масалаларини ҳал қилишда тармоқнинг молиявий қўйилмаларига қараб баҳоланади. Тармоққа доир самарадорлик қишлоқ хўжалиги ресурсларидан ва ресурс салоҳиятидан фойдаланишнинг натижавийлигини акс эттиради. Самарадорликнинг бошқа турлари ҳам тармоққа оидга ўхшаш, лэкин ишлаб чиқаришнинг турлича шакллари, хўжалик ичидаги бўлимлар, алоҳида турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигида ўтказилган чора-тадбирлардан олинган самараларни ресурслар ёки харажатлар билан таққослаб, натижаларни аниқланади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги мезон ва кўрсаткичлар орқали ифодаланиши мумкин.

Мезон асосида самарадорлик баҳоланадиган белгидир. У мақсадга етишда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг муқобил вариантларини ўлчаб ва танлаб олиш ёрдами билан энг яхши воситаларни кўрсатиб беради. Самарадорликнинг асосий мезони – вақт иқтисодининг ҳамма учун умумий қонуни. Жамиятда самарадорлик ва иқтисодий манфаатларнинг турли хиллари асосийсига бўйсунадиган ва унинг модификацияси бўлган бошқа мезонларнинг ҳам мавжудлигини олдиндан белгилайди.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлик мезони – бу умумий кўринишда самаранинг ижтимоий меҳнатининг ҳар бир бирлигига харажатларнинг максимум самараси. Алоҳида товар ишлаб чиқарувчилар учун даромаднинг максимуми – хўжалик фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги мезони, бошқалар учун мезон сифатида рақобатбардошлик чиқади. Бу мезонлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мақсадларига жавоб беради. Бундан ташқари, улар интеграллашган ишлаб чиқариш манфаатларини ҳам, ҳамма корхоналар – интеграция қатнашчилари манфаатларини ҳам бирдек акс эттиради.

Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари уларнинг даражаларининг миқдорий ўлчаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий самарадорликнинг ўсиши, шу ресурс салоҳияти билан якуний маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш ва маҳсулот бирлигига меҳнат, ҳамда моддий харажатларни камайтириш имконини беради.

Қишлоқ хўжалиги самарадорлиги – такрор цхлаб чиқариш – маҳсулот ишлаб чиқаришгина эмас, тақсимлаш, алмашиш, истеъмол каби даврлар фаолиятининг натижавийлигига ҳам боғлиқ. Иқтисодий самарадорлик даражасига об-ҳаво шароити ҳам таъсир қилади, шунинг учун уни аниқлашдаги мажбурий пайтлардан бири – камида 3-5 йиллик ўсишни акс эттирувчи ҳақиқий кўрсаткичлар таҳлилидир. Бу қишлоқ хўжалиги ривожланиши, тенденсия ва қонуниятларини объектив равишда аниқлаш ва ишлаб чиқариш натижаларига об-ҳаво шароитининг таъсирини имкони борица камайтиришга имкон беради.

Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини икки хил усулда ҳисоблаб чиқиш мумкин: самарадорликни самара кўрсатиладиган суратда каср сифатида, махражда – ресурслар ёки харажатлар сифатида ифодалаш; самарадан харажатларни унинг ютуқларига ажратиш.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун самарани турлича омиллар билан қандай ўлчаса, иқтисодий табиати билан ажралиб турадиган ва ҳаммага ҳам таққослаб бўлавермайдиган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Иқтисодий самарадорлик даражасини ифодаловчи ҳамма кўрсаткичларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Бир гуруҳ қўлланилган ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини, бошқаси – жорий ишлаб чиқариш харажатлари. Биринчи гуруҳга ердан олинадиган фойда, фонд сифими, меҳнат унумдорлиги, ресурслардан келадиган фойда ва бошқалар, иккинчисига – таннарх, моддий сарфлар, сермеҳнатлилик, рентабеллик даражаси ва бошқалар кирази. Мақсад ва ўрганиш объектига қараб иккала гуруҳ кўрсаткичларидан ҳам бир вақтда фойдаланиш мумкин.

Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари хусусий ва умумлаштирувчига бўлинади. Хусусий кўрсаткичлар алоҳида турдаги ресурсларидан ёки харажатлардан фойдаланиш самарадорлигини кўрсатади, умумлаштирувчи эса ресурс салоҳияти ва ҳамма жорий ишлаб чиқариш харажатларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигига тўлиқ баҳо беради. Ресурслардан фойдаланишнинг хусусий самарадорлик кўрсаткичларига ердан, фонддан келадиган фойдалар, умумлаштирувчига – ресурслардан фойдалар киритилади; харажатлардан фойдаланишнинг хусусий

кўрсаткичларига – таннарх, моддий сарфлар, сермехнатлилик, умумлаштирувчига – рентабеллик даражаси киради.

Харажатлардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигининг умумлаштирувчи кўрсаткичлари

Рентабеллик – корхона, тармоқнинг фойда олиши, даромадлилигини акс эттирувчи иқтисодий категория.

Ишлаб чиқариш рентабеллиги ялпи ва соф фойдани, даромад, маҳсулот сотиш даражасини, асосий фондларни, харажатларнинг қопланиши, даромад нормасини таъминлайди.

Ялпи фойда – бу ялпи маҳсулот қиймати ва моддий харажатлар орасидаги фарқ, сўм:

$$\text{ЙАФ} = \text{ЙАМ} - \text{МЗ}$$

Соф даромад – бу ялпи маҳсулот қиймати ва уни ишлаб чиқаришга кетган жами харажатлар ўртасидаги фарқ, сўм:

$$\text{СД} = \text{ЙАМ} - \text{ИХ} \text{ ёки } \text{СФ} = \text{ЙАФ} - \text{М}_x$$

бунда М_x – меҳнат тўловларига харажатлар.

Даромад иқтисодий категория сифатида корхонанинг тадбиркорлик фаолияти молиявий натижаларини изоҳлайди. Ялпи даромад, маҳсулот сотишдан ва хизматдан даромад ва соф даромадлар билан аниқланади.

Ялпи даромад ўзида корхонанинг умумий даромадини кўрсатади: асосий фондлар ва бошқа жиҳозлар, маҳсулот ва хизматлар реализацияси; реализациядан ташқари фойдалар ва сарфлар (иншоотни ижарага беришдан фойдалар, дивидендлар, корхонага тегишли аксиялар ва қимматли қоғозлардан фоизлар, жарималар ва ҳоказо).

Маҳсулотлар ва хизматларни реализация қилишдан даромадларни пул тушумларини тўлиқ (тижорат) таннархини олиб ташлаш билан ҳисоблаб чиқилади, сўм

$$\text{СФ} = \text{ЙАД} - \text{М}_x$$

Корхонанинг соф даромади – ялпи маҳсулот минус таннархга кирмайдиган солиқлар.

Бироқ, даромадларнинг мутлақ вазни ҳам самарадорлик даражасига гувоҳлик бера олмайди. Уни рентабеллик даражаси – ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигининг асосий кўрсаткичларидан бирини ифодалайди.

Ишлаб чиқариш ва маҳсулот реализацияси рентабеллигининг даражаси – бу олинган соф фойданинг тўлиқ таннархга нисбати:

$$\text{СФ}$$

$$P = \frac{\text{СФ}}{\text{М}_{\text{тн}}} \times 100 \%$$

$$\text{М}_{\text{тн}}$$

Бу кўрсаткич истеъмол қилинган ҳар бир ресурс бирлигига тўғри келадиган соф фойданинг миқдорини ифодалайди. Масалан, 30% рентабеллик даражасида қилинган ҳар бир сўм харажатга 30 тийин ёки

100 сўм харажатга 30 сўм соф фойда беради. Хўжалик юритиш самарадорлиги ҳақида ҳам юқорида кўриб ўтилган асосий фондлар рентабеллиги даражаси ва даромад меъёрларида айтилади.

Агар маҳсулот ишлаб чиқариш фойда эмас, зарар келтирса (рентабелли эмас), салбий белги билан рентабеллик даражаси ўрнига (зарар даражаси) харажатларни қоплаш даражаси қўлланилиши мумкин ва у ўзида пул тушумларининг тижорат (тўлиқ) таннархига нисбатини кўрсатади:

$$З_k = \frac{3}{M_{mn}} \times 100 \%$$

Кўрсаткич харажат бирлигига пул тушумини характерлайди. Ишлаб чиқариш харажатларини қопланиш даражаси 100% дан ортгандагина рентабелли бўлади.

Ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги хусусий кўрсаткичлари кўрсаткичлар тизими билан аниқланади. Ердан фойдаланиш самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари – ердан фойда олиш, ерга ишлов беришнинг кўплиги, ялпи (товар) маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, ялпи ва соф даромад, даромадлар, 1 га ер майдонига асосий маҳсулотлар турлари, қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигидан иборат. Ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг самарадорлик кўрсаткичлари – фондлардан олинадиган фойда, фондлар сиғими, асосий фондларнинг қопланиш муддатлари, айланма маблағларнинг айланувчанлик коэффиценти, айланма маблағларнинг таъминланганлик коэффиценти, битта айланишнинг давомийлиги, материаллар сиғими. Меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлик кўрсаткичлари – йиллик, кунлик ва соатлик маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулотларнинг сермеҳнатлилиги, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ресурслари – ресурслардан олинган фойда ва ресурслар сиғими:

$$P_m = \frac{ЙАМ}{P_c}; \quad P_o = \frac{P_c}{ЙАМ}$$

бунда, P_c – ресурс салоҳияти катталиги, сўм.

Ишлаб чиқариш ресурсларидан фойланиш самарадорлигининг умумлаштирувчи кўрсаткичларини қуйидаги формула бўйича ҳисоблаш ҳам мумкин:

$$I_{pc} = \frac{ЙАМ_e}{ЙАМ_m}$$

бунда, $ЙАМ_e$ – 1 га қишлоқ хўжалиги экин еридан олинган ялпи маҳсулот, сўм. $ЙАМ_m$ – қишлоқ хўжалиги корхонаси ишлаб чиқариш

салоҳиятларини акс эттирувчи ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг меъёрий даражаси, сўм/га.

Ялпи маҳсулотнинг меъёрий даражасини хўжаликнинг ишлаб чиқариш ресурслари билан таъминланганлиги ҳисоби билан кўпгина регрессияларни тенглаштириш орқага ҳисоблаб чиқилади.

Ресурс салоҳиятлари – ҳар бир ресурснинг сони, сифати, ички тузилиши билан белгиланадиган меҳнат, табиий ва моддий ресурслар жамланмаси.

Ишлаб чиқариш салоҳияти – корхонанинг моддий, меҳнат ва натурал ресурслар сони, сифати ва таққосланишга боғлиқ ҳолда, шунингдек, хўжалик вазифасининг объектив шартлари билан белгиланадиган, уларнинг фойдалилик даражасига боғлиқ бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришдаги объектив хусусияти. Ишлаб чиқариш объектининг ҳисоб-китоби корхона ушбу ресурслар билан ишлаб чиқара оладиган маҳсулот ҳажмида белгиланади.

Ишлаб чиқариш салоҳиятини ресурс салоҳияти билан таққослаб, ресурслардан фойдаланишнинг объектив самарадорлигини ташкил этувчи баҳосини оламиз, яъни табиий-иқтисодий омилларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш даражасига таъсирини билиб оламиз. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ресурс салоҳиятига нисбати эса унинг объектив ва субъектив томонларини кўшган ҳолда ресурслардан фойдаланишнинг тўлиқ самарасини ифодалайди.

Жорий ишлаб чиқариш харажатларининг самарадорлиги ишлаб чиқариш рентабеллиги даражасини, маҳсулот бирлигининг тўлиқ ва ишлаб чиқариш таннархининг моддий сарф ҳажмини ифодалайди.

Алоҳида турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги уларни олиш учун сарфланган ресурслар ёки харажатларни таққослаш билан аниқланади. Унинг тавсифномаси учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Ўсимликчиликда товар маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичларига қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги, 1 ц маҳсулотга меҳнат сарфи (меҳнат сиғими), 1 ц маҳсулот таннархи, маълум турдаги маҳсулотни сотишдан даромад, 1 га экиндан даромад, рентабеллик даражаси, товар бўлмаган озуқалар – озуқа экинларининг ҳосилдорлиги, 1 га дан чиқадиган озуқа бирлиги ва ҳазм бўладиган протеин, натурал ҳолдаги 1 ц озуқа, бир озуқа бирлиги ва 1 ц ҳазм бўладиган протеинга меҳнат сарфи.

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари – бир бош сигирдан сут соғиб олиш, чорва моли ва парранда тирик вазинининг ортиши, битта қўйдан жун қирқиб олиш, товукларнинг йиллик ўртача тухум қўйиши, сотилган бир бош чорва молининг ўртача вазни, 100 та сигирдан олинадиган

бузоқ, 1 ц маҳсулотга озуқа сарфи, маҳсулот сотишдан даромад, 1 ц маҳсулот ёки бир бош қорамолдан даромад, рентабеллик даражаси.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун якуний маҳсулот бирлигига хом-ашё сарфи, қишлоқ хўжалик хом-ашёси бирлигига якуний маҳсулотнинг чиқиши, маҳсулот бирлигига харажатлар, маҳсулот бирлиги таннарни, маҳсулот сотишдан даромад, рентабеллик даражаси каби кўрсаткичлар қўлланилади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлашнинг иқтисодий самарадорлиги омбор сифими, сақлашда маҳсулотнинг йўқотилиши, маҳсулот бирлигини сақлашга қилинган моддий-пул маблағлари харажатлари коэффицентлари, сақлашдан келган даромад ва рентабеллик даражаси кабилар билан аниқланади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда тармоқнинг ўзига хослигини унутмаслик керак. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ, шу боис қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича ишлар амалга оширилганда атроф-муҳитни сақлашга доир талаблар ҳисобга олинмоғи лозим.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг зарурий шартлари – турли агротехник ва зоотехникага оид тадбирлар ўтказиш асосида қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг ўсиши ва чорва ҳайвонларининг маҳсулдорлигидир. Шу билан бирга, таклиф этилаётган тадбирларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ҳам мумкин.

Агротехник ва зоотехника тадбирларининг иқтисодий самарадорлиги ушбу тадбирларни унинг учун белгиланган харажатлар ёки қўлланилган ресурсларга таққосланган ҳолда олинган самарага қараб аниқланади.

Асосий агротехник тадбирлар – экин майдонлари тузилишини оптималлаштириш, алмашлаб экишни ўзлаштириш, жадал ва ресурсларни тежайдиган технологиялардан фойдаланиш, ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қиладиган воситалардан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навларини ишлаб чиқаришга жорий этиш.

Экин майдонларининг тузилишини оптималлаштириш рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, чорвачилик тармоқларининг озуқага бўлган эҳтиёжларини қондиришни таъминлайди, ўсимликчиликнинг самарадорлиги ошишига ёрдам беради, тупроқ ва иқлим хусусиятларига мос келиши керак. Шундай

экинларни танлаш керакки, 1 га ерга кам харажат ва меҳнат сарфлаб, кўп маҳсулот олинсин.

Экин майдони тузилишини иқтисодий баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади: 1 га экин майдони ва бир киши/соат, 1 га майдонга меҳнат ва моддий-пул маблағлари ҳамда маҳсулот бирлиги харажатлари ҳисобига 1 га майдон ва 100 сўм харажатдан соф фойда.

Соф даромаднинг ўлчами ҳосилдорлик даражаси, таннарх ва сотиш баҳосига боғлиқ. Агар харажатлар экин гуруҳлари бўйича ҳисобга олинса, ҳар бир экин маҳсулоти таннархи, ҳисоб-китоб йўли билан аниқланади. Шу билан бирга, ҳосилдорлик ва охирги 3-5 йилда 1 га ерга ўртача харажатлар аниқланиб, реализация баҳолари корхонада кейинги йилларда йиғилган ҳақиқий баҳолардан олинади.

Экин майдонларининг тузилиши яхшиланиши ҳисобига ўсимликчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш имкониятлари ҳисоб-китобида ҳамма имкониятлар ва чеклашларни ҳисобга олган ҳолда экишнинг оптимал тузилмаларини ишлаб чиқиш лозим (ҳисоблаш-конструктив ва иқтисодий-математик усуллар ёрдами билан), кейин маҳсулотларнинг ҳақиқий ҳажмини, ҳақиқий умумий майдондан экинларнинг ҳақиқий ҳосилдорлигида, лекин экин ерлари тузилиши яхшиланганда, экинлардан олиниш эҳтимоли бўлган маҳсулот билан солиштирилади. Оптималлик мезони сифатида соф даромаднинг максимумидан фойдаланиш мумкин.

Алмашлаб экишни ўзлаштириш ва унинг самарадорлигини ҳисоблашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

- алмашлаб экишлар маълум ассортимент ва сифатдаги товар қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўзда тутилган сотиш ҳажмини таъминлаши лозим;
- ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотларига (озуқалар, уруғликлар ва бошқалар) хўжаликнинг ички талаб-еҳтиёжлари қондирилиши;
- тармоқлар, ферма ва бригадаларнинг ўлчамларини ва ердан фойдаланиш йўналишини ҳисобга олишни ташкил этиш;
- қишлоқ хўжалиги экинлари ва навларнинг, экин майдонларининг мақбул тузилмаларини иқтисодий баҳолари ҳақидаги илмий асосланган маълумотлар асосида жорий этиши;
- қишлоқ хўжалиги корхонасининг ишлаб чиқариш тармоқлари техникадан юқори унумдорлик билан фойдаланишни таъминловчи алмашлаб экишни ташкил этиш;
- лалми ерларни ўзлаштириш ҳисобига, экин майдонларини кенгайтириш имконини кўзда тутиш керак.

Енг мақсадга мувофиқ алмашлаб экишни танлаш ёки уларнинг тизимини ишлаб чиқиш, иккита-учта вариантни иқтисодий баҳолаш ва таққослагандан кейингина мумкин бўлади.

Алмашлаб экишни таққослаш иқтисодий баҳолаш кўрсаткичларининг қуйидаги тизими бўйича ўтказилади:

- 1 га алмашлаб экиш майдонига натурал (озуқа бирлиги) ва пул (сўм) ифодасидаги ялпи маҳсулотнинг чиқиши;
- 1 сўм/ишлаб чиқариш харажатлари ва 1 киши/соатга, ялпи маҳсулотнинг чиқиши;
- 1 га алмашлаб экиш майдони ва 100 озуқа бирлигига меҳнат ва моддий-пул маблағлари харажатлари;
- 100 озуқа бирлигининг таннархи;
- 1 га алмашлаб экиш майдони ва 1 киши/соатга олинган соф фойда;
- ишлаб чиқариш рентабеллиги даражасини фоизларда ифодаланган моддий-пул харажатларига соф даромад нисбати сифатида;
- ердан фойдаланиш коэффиценти, алмашлаб экиш майдонининг ҳайдаладиган майдонга нисбати сифатида.

Таққосланадиган алмашлаб экиладиган ер иқтисодий баҳосининг мезони – ўсимликчилик маҳсулотларининг, маҳсулот бирлигига энг кам меҳнат ва маблағ сарфлаб, кўп маҳсулот чиқиши.

Интенсив ва ресурсларни тежаш технологиясининг самарадорлигини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади: қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги, 1 га экинга пул кўринишидаги ялпи маҳсулотнинг чиқиши, 1 га экин экишга меҳнат ва моддий-пул маблағлари харажат, қўшимча маблағларни қоплаш, маҳсулот бирлигига меҳнат сарфи ва таннарх, 1 га экин экишдан соф фойда, рентабеллик даражаси.

Интенсив ва ресурсларни тежаш технологиясининг самарадорлигини аниқлаш учун асос ҳосилдорликнинг ўсиши, маҳсулот сифатини аввалги йиллардагига ёки анъанавий технологиядагига солиштиргандагига нисбатан юқорилиги бўлади.

Асосий зоотехника тадбирлари – чорва молларини озиқлантиришни оптималлаштириш, уларни сақлаш ва подани қайта ишлаб чиқиш.

Рационлар ва озиқлантириш турларининг иқтисодий баҳоси. Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг рационлари ва озиқлантириш тури уларни боқиш тизимлари ва ишлаб чиқариш интенсификациясига боғлиқ.

Озиқлантириш турлари ва рационларни иқтисодий баҳолашда озуқа ишлаб чиқаришнинг структурасини, озуқалар сифати, уларнинг таннархи ва фойдали таъсир коэффиценти хисобга олиш керак.

Соғин сигирлар учун молхонада ва яйловга боқилиш даври бўйича таҳлиллар қилиниб, бунда икки-уч варианты кўриб чиқилади ва энг асослангани танлаб олинади. Бу вариантларни иқтисодий баҳолаш қуйидаги кўрсаткичлар бўйича бажарилади: ўртача суткалик соғим, кг; сигирдан ўртача йиллик соғим, кг; 1ц сутга озуқа сарфи; озуқа

бирлигидаги мавжуд ҳазм бўлувчи протеин, г; 1 ц сутга сарфланган концентратлар, озуқа бирлиги; рационнинг озуқа бирлиги таннархи, сўм; ҳар бир бош сигир ҳисобига озуқа харажатлари, сўм; 1 ц маҳсулот таннархи, сўм.

Ишлар турли даражада механизацияланганда сигирларни турлича усулда боқиш самарадорлиги қуйидаги кўрсаткичлар бўйича баҳоланади: сигирдан йиллик сут соғиб олиш, кг; йилига бир бош сигирга қилинган меҳнат сарфи ва 1 ц сут, киши/соат; 1 ц сутга қилинган озуқа харажати, озуқа бирлиги; 1 чорва моли ўрнига капитал қўйилма, сўм; 1 ц сут таннархи, сўм; 1 ц сут сотишдан соф фойда, сўм; сут ишлаб чиқариш рентабеллик даражаси, %.

Ҳайвонлар зотини иқтисодий баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлар қўлланилади: ҳайвоннинг маҳсулдорлиги, кг; бир бош ҳайвон ва 1 ц маҳсулотга меҳнат сарфи, киши/соат; 1 ц маҳсулотга озуқа сарфи, озуқа бирлиги; 1 ц маҳсулот таннархи, сўм; бир бош ҳайвондан даромад, сўм; рентабеллик даражаси, %.

Чорвачиликда кўп йўқотишлар сигирларнинг бепуштлиги сабабли содир бўлади. Фан ва амалиётнинг кўрсатишича, ўртача йиллик қисир сигир сут маҳсулдорлиги бўйича бепушт бўлмаган сигирга 0,5 эквивалентда, 100 бош сигирдан бузоқ туғилишининг оптимал варианты 90-105 бош. Бош ҳисобига бепуштлиқ туфайли сут йўқотилиши қуйидаги формула бўйича аниқланади, кг:

$$B_c = C_y \times 0,5 C_k$$

бунда, C_y – ҳисобот йилида пода бўйича ўртача сут соғиб олиш; 0,5 – соғин ва пушциз сигирлар сут кўрсаткичлари таққосланишини характерловчи қисирлик коэффиценти; C_k – сигирларнинг қисирлик коэффиценти.

$$K_a = 1 - (B_y / 365 * 100 : (284 + m_{cn})),$$

бунда, B_y – 100 бош сигирдан олинadиган ҳақиқий бузоқ сони, бош; 365 – календар йилидаги кунлар сони; 285 – сигирларнинг бўғозлик (бузоқлаш) даврийлиги, кун; m_{cn} – сервис – давр давомийлиги, кун (тармоқли юритилиш даражасига қараб (30-60 кун)).

Пода бўйича сигирнинг қисир қолишидан сутнинг йўқотилиши, кг:

$$K_k = B_c \times P_c$$

бунда P_c – подадаги соигир бош сони.

Пода бўйича умуман олинмаган насл туфайли шартли сут йўқотилиши:

$$C_{ii} = (106 - B_y) \times (P_c / 100) * 2,36$$

бунда 2,36 – бузоқнинг шартли сутга айланиш коэффиценти.

Йўқотилган сут йиғиндиси:

$$C_{ii} = C_k + C_y$$

Сигирларнинг бепуштлигидан кўрилган зарар, сўм:

$$C_k = H \times C_{\text{й}}$$

бунда H – 1 ц сутни сотишнинг ҳақиқий нархи, сўм.

Сигирларнинг бепуштлигидан келадиган зарар шунда кўринадикки, хўжалик қишлоқ хўжалиги маҳсулотини (сут, бузоқ) ва пулдан кўриладиган фойдани тўлиқ ололмайди. Маълум зоотехник ва ветеринария тадбирларининг ўтказилиши бундай ҳолнинг олдини олиб, сутчилик самарадорлигининг сезиларли ўсишига ёрдам беради.

Юқори инқироз ва қишлоқ хўжалиги ҳамда саноат маҳсулотлари диспаратети шароитида ҳамма агротехник ва зоотехник тадбирлар ҳам қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлиги ошишига ёрдам бера олмайди, шунинг учун уларни ўтказишнинг узлуксиз шарти олдиндан иқтисодий баҳоланади.

Қишлоқ хўжалигидаги фаол, лэкин кўпинча оқилона бўлмаган фаолият таъсирида экологик муаммолар ўткирлашади. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда иқтисодий манфаатдорликнинг йўқлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ажратиладиган маблағлар етарли эмаслиги, табиатни кўриклаш ва ресурсларни тежаш технологияларни рад этишга олиб келади. Мураккаб иқтисодий вазият корхоналарда тупроқ унумдорлигини ошириш ва ернинг экин экиш ҳолатини яхшилаш бўйича комплекс ишларни тўлиқ амалга ошириш имконини бермаётир. Натижада йирик кўламли деградация ва қишлоқ хўжалиги экин ерларининг эрозия туфайли қисқариши кузатилмоқда, тупроқда гумус ва бошқа озуқа моддалари камаймоқда, шўрланиш, ботқоқлашув, оғир техниканинг ортиб кетиши, табиий ҳосилдорлик камайиши юз бермоқда. Экологик хавфни оқова сувларни тозалаш ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини утилизациялаш масалаларини қийинлаштираётган майда консерва, сут ва бошқа корхоналар цехларнинг назоратсиз қурилаётгани бўлмоқда.

Шу сабабли, ишлаб чиқаришни ривожлантириш вариантларини танлашда уларни амалга оширишнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини ҳам ҳисобга олиш зарур. Замонавий шароитда хўжалик фаолиятини башорат қилишда нафақат иқтисодий, балки, экологик иқтисодий самарадорликни, яъни ишлаб чиқаришнинг экология учун оқибатини ҳам ҳисобга олиб, белгилаш керак бўлади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши экологик-иқтисодий самарадорлигининг мезони бўлиб даромад ва соф фойда одамлар соғлиги ва табиатни муҳофаза қилиш манфаатларига жавоб берувчи атроф-муҳит сифатининг нарматив талабларига риоя қилиш ҳисобланади. Ушбу мезонга эришиш даражаси жорий харажат ва капитал қўйилмаларининг экологик-иқтисодий таъсир этиш кўрсаткичлари тизими ҳисобланади.

Экологик-иқтисодий таъсир этиш – бу ишлаб чиқариш таъсири остида юз берувчи экологик параметрлар ўзгаришининг пулда баҳоланиши. У ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Ижобий миқдор сифатида экологик-иқтисодий самара, салбий сифатида экологик-иқтисодий зарар чиқади.

Экологик-иқтисодий самара – табиатни қўриқлаш тадбирларини амалга ошириш натижасида фойданинг қийматли ўсишидир. Уни ҳисоблашнинг асоси бўлиб, тупроқ, сув, ҳаводаги ифлосланиш даражасининг пасайиши, тупроқ ҳосилдорлигининг ошиши, экологик тоза маҳсулотлар чиқишининг ортиши кабилар бўлиши мумкин.

Экологик-иқтисодий зарар – атроф-муҳит ҳолатининг ёмонлашуви натижасида қишлоқ хўжалигининг қиймат шаклидаги ҳақиқий ёки эҳтимолий зарари ёки бу зарарларни қоплаш учун қўшимча харажатлардир.

Қишлоқ хўжалигида зарар биринчи навбатда, ҳавонинг ифлосланиши ва суғориш учун ифлосланган сувдан фойдаланишдан пайдо бўлади, натижада қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги камаяди, тупроқ шўрланишига қарши кураш сарфлари ортади, айрим ҳолатларда қишлоқ хўжалик экинлари ассортименти ўзгаради. Чорвачиликда зарар чорва моллари маҳсулдорлигининг камайиши кўринишида, яъни йирик вазн, сут соғиб олиш, тухум сони камайиши кўринишида бўлади. Экстремал ҳолатларда кўп миқдордаги ўта ифлосланган оқова сувларнинг ташланиши чорва моллари ва паррандаларнинг тўлиқ ҳалокатига олиб келади.

Экологик таъсирни ҳисоблашда табиий муҳитнинг натурал кўрсаткичлардаги ўзгариши аниқланади, яъни корхона ишининг экологик параметрларга таъсири белгиланади:

- бевосита харажатлар, зарарга товон тўлаш;
- қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги, чорвачиликда чорва моллари маҳсулдорлиги ўзгариши натижасида маҳсулот камайиши.

Қишлоқ хўжалигида ерга етказилган экологик-иқтисодий зарар биринчи навбатда, тупроқ унумдорлигининг пасайиши ва қишлоқ хўжалиги экин майдонлари, ҳосилдорлигининг пасайиши натижасида маҳсулотларнинг йўқотилиши сифатида ифодаланидаган ҳолатининг сифат жиҳатдан ёмонлашувини қийматли баҳолашда кўринади.

Дехқончилик ва озуқа ишлаб чиқаришда тупроқ унумдорлигининг пасайишидан экологик-иқтисодий зарар формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$E_z = E_n \times C$$

бунда $E_{y\partial}$ – тупроқ унумдорлиги пасайишидан таққослама экологик-иқтисодий зарар; 1 гектарга сўмда; C – ҳосилдорлиги пасайган қишлоқ хўжалиги экинлар турининг и турининг майдони, га.

1 га ердаги ҳосилдорлиги йўқолган тупроқдан таққослама экологик-иқтисодий зарар уни тиклаш учун зарур харажатлар суммаси ва амалда олинмаган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қийматлари билан аниқланади, сўм:

$$Уч_{y\delta} = Z + C_{нед}$$

Йўқотилган тупроқ унумдорлигини тиклаш учун харажатлар гумус ва озуқа моддаси йўқолишидан юзага келган зарарни бартараф этиш учун зарур харажатларнинг қиймат баҳоси, асосида ҳисоблаб чиқилади, сўм:

$$Z = \sum = Z_u$$

бунда Z_u – тупроқнинг и-турдаги кўрсаткичларини тиклаш учун зарур харажатлар (азот, фосфор, калий ва б. таркиби), 1 га ерга сўм.

Тупроқ унумдорлигини тиклаш харажатларига ўғит ва мелиоративларнинг етказиб бериш, юклаб-тушириш, ташиш, ерга сепиш кабиларни ҳисобга олгандаги қийматлар ҳам киритилади, сўм:

$$Z_{жс} = C_y + C_n + C_m + C_p + C_e$$

бунда, C_y – ўғит ва мелиорантлар қиймати, сўм; C_n , C_m , C_p , C_e – ўғит ва мелиоративларни юклаш, ташиш ва ерга солишга мос ҳолда қиймати, сўм.

Тўлиқ олинмаган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қиймати ёки ўсимликчиликдаги зарар қиймати тупроқ унумдорлиги йўқолишидан ҳосилдорликнинг пасайиши сифатида формула бўйича аниқланади, 1 гектарга сўм:

$$O_m = \Delta XH,$$

бунда, ΔX – и-қишлоқ хўжалиги экини ҳосилдорлигининг йўқолиши, ц/га; H – и-қишлоқ хўжалик экинининг йўқолган бирликлари нархи, сўм.

Қишлоқ хўжалиги амалиётида табиатни асраш вазифалари харажатларининг жорий ва капитал категориялари фарқланади. Бу борадаги фаолиятнинг жорий харажатларига эрозияга қарши агротехника тадбирлари, ифлосланиш ўчоқларини йўқ қилиш, тупроқ унумдорлигини ошириш учун ўғит солиш, табиатни асрашга мўлжалланган воситаларни сақлаш ва хизмат кўрсатиш сарфлари (шу жумладан, ушбу хизмат ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, жорий таъмир, амортизация ажратмалари, энергия сарфи), шунингдек, атроф-муҳитни асраш билан боғлиқ бошқа ташкилот хизматига ҳақ тўлаш (экология аудити, экспертни жалб қилиш ва б.) харажатлари киритилади. Капитал харажатлари эса табиатни асрашга мўлжалланган асосий фондларни яратиш, реконструкция қилиш, модернизациялаш ва қайта ускуналаш, ерни тубдан яхшилаш, агро-ўрмон мелиорациясини, санитария-химия зонасини яратиш кабиларни ўзида акс эттиради.

Шу муносабат билан табиатни асраш жорий ва капитал харажатларининг экологик-иқтисодий самарадорлиги аниқланади.

Бу борадаги тадбирларни экологик таъсир катталигига корректланган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ёрдами билан аниқланади (зарар ёки самара). Экологик таъсирни ҳисобга олган ҳолда даромад ёки соф фойда ҳисоблаб чиқиши мумкин:

$$C\Phi = C\Phi \pm E_x; C\Phi = CД \pm E_x,$$

Экологик таъсирни ҳисобга олган ҳолда рентабеллик даражаси куйидагича ҳисоблаб чиқилади, %:

$$P_0 = C\Phi \pm E_x : T_m \times 100$$

Жорий харажатларнинг экологик-иқтисодий самарадорлик ҳисоби методикасини эрозияга қарши тадбирларида қўллаш мисолида кўриб чиқамиз.

Эрозияга қарши тадбирларни экологик-иқтисодий баҳолаш босқичма-босқич ўтказилади. Биринчи босқичда жорий этилаётган тадбирнинг хўжалик нуқтаи назаридан иқтисодий самарадорлиги аниқланади. У қўшимча соф даромад билан изоҳланади. Иккинчи, босқичда экологик самарани тупроқнинг йўқолган унумдорлигини тиклашга сарфланадиган маблағларни тежаш сифатида ҳисоблаб чиқилади. Учинчи, босқичда жорий этилган тадбирлар комплексидан экологик ва иқтисодий самара сифатида экологик-иқтисодий самарадорлик ажратилади.

Ўғитларни қўллашнинг экологик-иқтисодий самарадорлиги ҳам шунга ўхшаш тарзда ҳисобланади. Биринчи навбатда, ўғитдан фойдаланиш, қўшилган ҳосил қиймати ва соф даромад асосида қўшимча харажатларнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланади. Кейин экологик таъсир, яъни гумус баланси ва тупроқдаги асосий озуқа элементлари уларнинг етишмаслигини қоплаш харажатлари ҳисоблаб чиқилади.

3.1.1-жадвал

Пастдарғом туманида чорва моллари бош сони тахлили (2010-2012й.й)

Т.Р	Чорва моллари тури	2010 йил	2011йил	2012	2012 йилда 2010 йилга нисбати	
					Мутлоқ (+,-)	Ниспий %
1.	Қорамол	122889	129789	141956	19067	115,5
2.	шундан: сигирлар	62170	63123	63390	1220	101,9
3.	Чўчқалар	1969	1998	2194	225	111,4
4.	Қўй ва эчкилар	113023	121023	125796	12773	111,3
5.	Йилкилар	2468	2497	2524	56	102,2
6.	Парранда	194926	214932	259578	64652	133,1

Манба: Пастдарғом туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг 2010-2012 йиллар бўйича

Юқоридаги жадвал маълумотларига кўра Пастдарғом туманида 2012 йилда қорамоллар бош сони 19067 бошга ёки 115,5 фоизга ошди шундан сигирлар 1220 бошга ёки 101,9 фоизга ошди, чучқалар 225 бошга ёки 111,4 фоизга ошди, қуй ва эчкилар 12773 бошга ёки 111,3 фоизга, йилқилар 56 бошга ёки 102,2 фоизга, паррандалар эса 64652 бошга ёки 133,1 фоизга ошганлигини куришимиз мумкин.

3.1.2-жадвал

Пастдарғом тумани фермер хўжаликларида чорва моллари бош сони таҳлили (2010-2012й.й)

Т.Р	Чорва моллари тури	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 йилда 2010 йилга нисбати	
					Мутлоқ (+,-)	Ниспий %
1.	Қорамол	7952	8102	8308	356	104,4
2.	Шундан сигирлар	1816	1875	1930	114	106,2
3.	Қуй ва эчкилар	4283	4321	4462	179	104,1
4.	Йилқилар	103	105	110	7	106,7
5.	Парранда	17520	21300	27314	9794	155,9
Жами шартли қорамол		5222	6210	6859	1634	131

Манба: Пастдарғом туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг 2010-2012 йиллар бўйича

3.1.2-жадвал. Жадвал маълумотларига асосланган ҳолда Пастдарғом тумани фермер хўжаликларида чорва моллари бош сонини қуйидагича

ўзгарганлигини куриб чиқамиз. Фермер хўжаликларида қорамоллар бош сони 356 бошга ёки 104,4 фоизга, шундан сигирлар 114 бошга ёки 106,2 фоизга ошди, қуй ва эчкилар 179 бошга ёки 104,1 фоизга, йилқилар 7 бошга ёки 106,7 фоизга, паррандалар эса 9794 бошга ёки 155,9 фоизга ошганлигини куришимиз мумкин.

3.2. Чорвачилик махсулоти ишлаб чиқариш самарадорлигининг ҳозирги ҳолати.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда тармоқнинг ўзига хослигини унутмаслик керак. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ, шу боис қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича ишлар амалга оширилганда атроф-муҳитни сақлашга доир талаблар ҳисобга олинмоғи лозим.

Барча турдаги чорвачилик махсулотлари самарадорлигини ошириш учун қуйдаги турдаги омил ва имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш зарур:

1. Чорва ҳайвонлари махсулдорлигини ошириш. Бу ўта долзарб масалани бажариш учун уларни турли хил озуқаларга бўлган талабларини илмий асосланган рациёнлар бўйича мунтазам қондириш. Натижада зотдор ҳайвонларнинг махсулдорлик потенцияли ҳамда сарфланган озуқалар самарадорлигини ошириш имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш. Кўпроқ. Сифатлироқ ҳамда арзонироқ махсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш имкониятини яратади.
2. Чорва молларининг насилини яхшилаш мақсадида селекция ва насылчилик ишларини тўқори натижада ташкил этиш, сунний ўрчитиш тизмидан тўлароқ фойдаланиш.,
3. Чорвадорларнинг меҳнат унумдорлиги ва меҳнат ҳққини барқарор ошириш учун технологик жараёнларни комплекс механизатсиялаш усулларида фойдаланиш., даставал, озуқаларни тақсимлаш, сигирларни соғиш, қўй ва эчкилар жунини қирқиш суғориш, биноларни чорва қолдиқларидан тозалаш, улардан фойдаланиш билан боғлиқ ва бошқа ишларни прогрессив воситалар ёрдамида бажариш.,
4. Ҳайвонларни сақлашнинг прогрессив усулларида , шу жумладан боғламасдан сақлаш махсус қуралардан фойдаланиш .,
5. Асосий воситалардан чорва бинолари ва иншоотлари қувватидан оқилона фойдаланиш.,

6. Прогрессив зоветеринария хизматларидан фойдаланиш

Чорва моллари бош сони - самарадорлик омили. Чорва моллари сони чорвачилик кўламининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Қорамоллар сонининг чорвачилик самарадорлигига таъсири 3.2.1-жадвалда ўз ифодасини топган. Бунда пода сони кўпайган сайин сут соғиб олиш миқдори, қорамол маҳсулоти нархи ва хўжалик даромади ортиб бораётганини кўриш мумкин. Қорамол парвариш қилиш самарадорлиги кўрсаткичлари ва суғориладиган ҳамда экин майдонлари, фермер хўжалиги кўлами ҳамда фермер хўжалигида иш билан бандлар сонини ифода этувчи кўрсаткичлар ўртасида ҳам шундай боғлиқлик бор.

3.2.1-жадвал.

Пастдарғом туманида чорвачилик хўжаликлари қорамол подасининг таркиби ва самарадорлиги кўрсаткичлари*

Қорамол подаси сони, бош	Хўжаликлар сони	Ўртача сут соғиб олиш, битта сигирдан бир йилда, кг	1 летир сутнинг ўртача сотиш нархи, минг сўм	1 бош сигирдан бир мавсумда олинадиган ўртача даромад, сўм
Дехқон хўжаликлари				
1-2	373	843	1000	843000
3-5	208	899	700	629300
6 ва ундан кўп	51	1 034	500	517000
Фермер хўжаликлари				
1-20	22	935	500	467500
21-50	29	1131	700	791700
51-100	15	1246	1000	1246000
101 ва ундан кўп	9	1463	1000	1463000

*Манба: Пастдарғом тумани чорвачилик хўжаликларининг сўрови маълумотлари, 2012 йил.

3.2.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики Пастдарғом туманида чорвачилик хўжаликлари қорамол подасининг таркиби ва самарадорлиги кўрсаткичлари пода сонига қараб ўзгаришини кўришимиз мумкин молар бош сони кам бўлган ҳолда сотиш каналида юқори нархлар кузатилмоқда пода сони ортган сари қайта ишлаш имконияти шакилланиб юқари самарадорликга эришилди. Бошқача айтганда, чорвачилик хўжалигининг ҳажми қанчалик катта бўлса, у ўртача шунчалик маҳсулдордир. Бу боғлиқликни икки ҳолат билан изоҳлаш мумкин:

1. Пода қанчалик катта бўлса ва уни таъминлаш учун ресурслар кўп ажратилса, хўжалик қорамол парвариш қилиш секторида фаолият юритишга кўпроқ ихтисослашади. А.Смит давридан буён маълум бўлганидек, ҳар қандай ихтисослашув самарадорликнинг ортишига хизмат қилади. Ихтисослашув танланган фаолият йўналишида такомиллашиш, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали услублари ва технологияларни қўллаш имконини беради.

2. Пода қанчалик катта бўлса, “кўламдорликдан тежаш” ҳисобидан ўртача харажатларни камайтириш имконияти шунчалик кўп: подачи, чўпон ва бошқа ишчилар, бино, уни иситиш, ёритиш, озуқа ва ветеринария препаратларини сотиб олиш (улгуржи чегирмалар) ва хоказолар учун харажатлар. Яъни, 10 бош сигирни биргаликда парвариш қилиш уларни алоҳида парвариш қилишдан кўра арзонроқ. Худди шундай, битта хўжаликда 200 бош сигирни парвариш қилиш - ҳар бирида 10 тадан сиғири бўлган 20 та хўжаликдан кўра тежамлироқдир.

Қорамол подаси сонини кўпайтириш омиллари. Чорвачилик хўжалигининг катта-кичиклиги маҳсулдорлик учун муҳим аҳамият касб этиши сабабли фермер ва деҳқонларнинг қўшимча мол сотиб олишини рағбатлантириш, деҳқон хўжаликлари ўртасида, шунингдек, деҳқон ва фермер хўжаликлари ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш зарур. Кооперация (чорва молларини биргаликда сотиб олиш, парвариш қилиш, ускуна, озуқалар ва хизматларни биргаликда харид қилиш, маҳсулот сотиш ва бошқалар) унинг иштирокчиларига “кўламдорликдан тежаш” самарадорлиги ва тижорий мустақилликни сақлаган ҳолда ихтисослашишдан фойдаланиш имконини беради. Деҳқон ва фермер хўжаликлари вакиллари ўртасида ўтказилган сўров ушбу хўжаликларда қорамоллар сонининг кўпайишига тўсқинлик қилаётган асосий сабаблар:

а) озуқа базасининг етишмаслиги;

б) чорвачилик фаолиятини юритиш учун ер етишмаслиги;

в) чорва молларини сотиб олиш учун маблағ етишмаслиги ва бу, айниқса, деҳқон хўжаликлари учун ниҳоятда долзарб эканини кўрсатди (3.2.2-жадвал).

3.2.2-жадвал.

Чорва моллари кўпайишига тўсқинлик қилаётган асосий сабаблар, (фоизда)

Деҳқон хўжаликлари	Фермер хўжаликлари
• Яйловлар, озуқа етишмайди - 49,4 • Қорамол сотиб олиш ва уни сақлаш учун маблағ йўқ - 38,2 • Ер майдони етишмайди - 32,7 • Қорамоллар учун бино йўқ - 18,3	• Фермер участкасида ер етишмайди - 54,4 • Озуқа билан боғлиқ қийинчиликлар – 50 • Мол сотиб олишга маблағ йўқ – 22,1 • Моллар учун бино етишмайди - 13 • Қорамолларга қараш учун ишчи етишмайди – 6,5

Ер майдони ва молиявий ресурслар (бошланғич ва айланма капитал) тақчиллиги муаммоларига батафсил тўхталиб ўтиш лозим.

Қишлоқ ишлаб чиқарувчилари чорвачиликни ривожлантириш учун ажратишни истаган ернинг етишмаслиги икки асосий ҳолат билан боғлиқ:

1. Ердан хўжаликлараро, жумладан, ер майдонларидан субижара учун мавжуд чекловлар билан боғлиқ сабаблар туфайли фойдаланилмаётгани. Ушбу чекловлар сабабли самарали қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари самарасиз фойдаланилаётган майдонлар ҳисобидан ўз ер участкаларини эркин кенгайтира олмаяпти. Ҳолбуки, қорамол парвариш қилишда юксак натижаларга эришаётган хўжаликлар ҳам ўз ўсишининг табиий чегарасига эга. Бу фойдаланилаётган ерни кенгайтириш имкони йўқлиги билан боғлиқдир. Бу, ўз навбатида, хўжалик юритишнинг самарасиз шакл ва услублари ўрнини самаралилари билан алмаштиришни таъминлайдиган бозор механизмлари Ўзбекистоннинг аграр секторида тегишли равишда етарли қўлланилмаётгани ва тармоқ аҳволига салбий таъсир кўрсатаётганини англатади.

2. Ердан хўжалик ичида фойдаланишда (фақат фермер хўжаликларига тааллуқли) ерни пахта ва ғалла ишлаб чиқариш учун ихтисослаштириш ёки

мўлжаллаш бўйича мавжуд нормативлар билан боғлиқ маъмурий чекловларнинг мавжудлиги. Фермер ушбу иккита экин учун ажратилган ердан бошқа мақсадлар, жумладан, чорва моллари парвариш қилиш учун эркин фойдалана олмайди. Аввал ўтказилган тадқиқотлар пахта ва ғалла етиштириладиган ерларни квоталашдан (қатъий белгилаб беришдан) воз кечиш фермерларга ўз ресурсларидан давлатга пахта ва дон етказиб беришни камайтирмаган ҳолда, оқилона фойдаланиш имкониятини яратади. Давлат буюртмаси сақланиб қолган тақдирда ҳам ерларни квоталашни бекор қилиш ишлаб чиқарувчилар учун ҳам, давлат учун ҳам фойдали бўлар эди.

Шундай қилиб, Пастдарғомда чорвачиликни ривожлантириш истикболлари бевосита ерга эгалик ҳуқуқи ва айрим стратегик қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда давлат назорати масалаларини ҳал этиш билан боғлиқдир.

Кредит ресурслари тақчиллигига келсак, ушбу муаммо кескинлигини юмшатиш учун микромолиялаш секторини ривожлантиришни рағбатлантириш, авваламбор, фермер ва деҳқон хўжаликларининг банк микрокредитлари, жумладан, имтиёзли фоиз ставкалари бўйича олиш имкониятини кенгайтириш зарур. Негаки, эркин бозорда микромолиялаш ташкилотларининг фоиз ставкаси чорвадорлар учун ғоят юқори. Ердан фойдаланиш ҳуқуқини қайта сотиш имкониятига оид ҳуқуқий базани такомиллаштириш, шунингдек, ушбу ҳуқуқлардан кредит олишда кафолат сифатида фойдаланиш кредит ресурслари тақчиллиги муаммосини ҳал этишга ёрдам беради. Гап шундаки, қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи қонуний бозор етарли даражада шаклланмаган бугунги кунда қишлоқ хўжалик ходимларининг ерни гаровга қўйиш орқали кредит олиш имкониятлари чекланган. Аграр секторни кредит билан таъминлашнинг айнан ушбу шакли бутун дунёда кенг тарқалган.

Айни пайтда, хўжаликлар кўламини кенгайтириш муаммосининг яна бир жиҳати – материал ресурслар ва хизматлардан фойдаланиш борасидаги қийинчиликлар ҳам бор. Чорвадорлар учун озуқалар, биринчи навбатда, омухта ем, шунингдек, зотдор чорва молларини сотиб олиш катта муаммо

ҳисобланади. Талаб юқори бўлган, аммо, тўлиқ кўрсатилмаётган хизматлар орасида маҳсулотни сақлаш ва қайта ишлаш хизматлари мавжуд. Мамлакатимизда чорва моллари сонининг кўпайишини, жумладан, чорвачилик хўжаликлари кўламини кенгайтириш орқали ҳар томонлама рағбатлантирмоқда. Бу вазифани, аввало, қуйидагилар ҳисобидан ҳал қилиш режалаштирилмоқда:

- шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорвачилик билан шуғулланаётган қишлоқ аҳолисига иш билан бандлик мақомини бериш;
- қишлоқ жойлардаги кам таъминланган ва кўп болали оилаларга бепул қорамол бериш;
- озуқалар, ветеринария ва чорвачилик тармоғи учун мўлжалланган бошқа хизматлардан фойдаланишни яхшилаш;
- ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларининг қорамол сотиб олишини енгиллаштириш учун имтиёзли микрокредитлаш имкониятини кенгайтириш.

Деҳқон хўжаликларининг маҳсулотлари сотилишининг пастлигига оид муаммолар. Чорвачилик хўжалигининг тижоратлашув даражасини ошириш, сотиш учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулот улушини кенгайтириш уни юқори даромадли ишлаб чиқаришга айлантиришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Аммо, фермер хўжаликлари маҳсулотларининг сотилиши юқори, яъни, ўз маҳсулотининг асосий қисмини бозорда сотишга ихтисослаштирилган бўлса, кўплаб қорамоллар парвариш қилинаётган ва асосий маҳсулоти ички истеъмол учун фойдаланилаётган деҳқон хўжаликлари ҳақида бундай дейиш қийин.

Шундай бўлса-да, деҳқон хўжаликларидаги чорвачилик тармоғини тижоратлаштириш даражаси кўпинча етарлича баҳоланмаяпти. Уни баҳоланишнинг икки услуби бор. Биринчиси – ўз маҳсулотининг, ҳеч бўлмаганда, бир қисмини сотадиган деҳқон хўжаликлари улушини ҳисоблаш. Иккинчиси–ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида сотилган маҳсулот улушини ҳисоблаш. Биринчи услубда, сут сотадиган деҳқонлар ўртасидаги фоизли нисбатни ҳисоблашдан фойдаланилса, деҳқон хўжаликлари ўзини ўзи

таъминлайдиган деҳқон хўжаликларига ўхшаб кўринади: деҳқонларнинг қарийб учдан икки қисми сут сотмайди, балки соғилган сутнинг ҳаммасини оиласи эҳтиёжи учун ишлатади. Бироқ, бу борада шуни қайд этиш керакки, “тижоратга мослашган” бошқа деҳқонлар соғилган сутнинг ўртача 67 фоизини сотади (3.2.3-жадвал). Айнан ушбу кўрсаткич туфайли ўртача сут сотиш миқдори барча деҳқон хўжаликларида, шу жумладан, юқорида қайд этилган сут сотмайдиган деҳқонларнинг учдан икки қисми ишлаб чиқарадиган сутнинг 37 фоизини ташкил қилади. Бундан кўриниб турибдики, деҳқончилик тармоғида гўшт-сут чорвачилигини пул топиш манбаи деб биладиган маҳсулот ишлаб чиқариш юқори бўлган хўжаликлар мавжуд.

3.3.Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш

Чорва маҳсулотларини сотиш тижоратлашган ўртача йирик чорвачилик деҳқон хўжаликлари энг яхши самарадорлик кўрсаткичларига эга. Чорвачилик деҳқон хўжаликларининг тижоратлашув даражаси иккита асосий омил – қорамол сони ва унинг маҳсулдорлигига боғлиқ, деган хулосага келиш мумкин. Ушбу омиллар, пировард натижада, ишлаб чиқариш ҳажмида ўз ифодасини топади. Бунда тижоратлашув даражаси оила фаровонлигига жиддий таъсир кўрсатишини эътиборга олиш зарур. Сут маҳсулоти сотадиган ва сотмайдиган хўжаликларда битта оила аъзоси учун ўртача даромад таққосланса, сут сотадиган хўжаликлар юқори даромад олаётганини кўриш мумкин.

Давлат деҳқон хўжаликлари тижоратлашувини нафақат уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва истеъмол бозорини бойитиш мақсадидан келиб чиқиб, балки, қишлоқ жойларда турмуш даражасини янада юксалтириш механизми сифатида рағбатлантириши лозим. Бунга деҳқон хўжаликларига чорва моллари сонини кўпайтириш ва уларнинг маҳсулдорлигини яхшилашда ёрдам бериш орқали эришиш мумкин.

Деҳқонлар кўпинча иккита сотиш каналидан фойдаланади: маҳсулотни қўшниларига сотадиганларнинг 26 фоизи уни бозорда ҳам

сотади, 36 фоизи воситачиларга сотади. Уй хўжаликлари бозорга маҳсулотни ўзи олиб чиқади. Олиб сотарлар ва таниш харидорлар, одатда, маҳсулотларни ўзи олиб кетади. Қўшнилари ва танишларга сотиш билан боғлиқлик транспорт ва бозорларда улгуржи савдо қилувчилар билан алоқанинг йўқлигидан далолатдир. Дехқонларнинг бозор билан боғлиқ имкониятларини амалга ошириш ва улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар билан шаҳар аҳолисини яхшироқ таъминлаш учун деҳқонларнинг бозордан фойдаланишини осонлаштириш чораларини кўриш зарур. Деҳқонлар маҳсулотларини бозорга чиқишини осонлаштирадиган қишлоқ воситачилари, транспорт операторлари ва улгуржи савдогарлар тармоғини ташкил этишни рағбатлантириш шулар жумласидандир. Воситачилар бозор каналларини ташкил этишда муҳим вазифани бажаради ва уларнинг фаолияти кўллаб-қувватланиши лозим.

Энди фермер хўжаликлари чорва маҳсулотларининг сотилиши ҳақида сўз юритамиз. Чорва маҳсулотлари, жумладан, гўшт ва сутга давлат буюртмаси 1994 йилда тўлиқ бекор қилинган. Бу хўжаликларга ўз маҳсулотларини бозор нархларида эркин сотиш имконини беради. Сўров шуни кўрсатдики, фермерларнинг қарийб 50 фоизи сут, қарийб 40 фоизи қорамол гўштини давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларга – шифохоналар, болалар боғчалари, мактаблар, фахрийлар уйлари ва бошқаларга сотади. Сотининг яна бир муҳим йўли бозордир. Фермерлар кутилгандан ҳам кўра камдан-кам ҳолларда ўз маҳсулотларини улгуржи олиб сотарлар, хусусий харид фирмаларига сотади. Бу эса сотиш инфратузилмаси ривожланмаганидан далолатдир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархининг пастлиги ва транспортировка қилишнинг қийинлиги сотиш йўлларида қатъий назар умумий муаммо ҳисобланади. Чорва маҳсулотларини ўзида қайта ишлаш муаммолари. Чорва маҳсулотларини хўжаликларнинг ўзи қайта ишлаш амалиётини кенгайтириш маҳсулот турини кўпайтириш, демак, хўжаликларни тижоратлаштириш ва сотиш ҳажмини ошириш имконини беради. Айти пайтда, 2012 йилги сўров шуни кўрсатадики, айрим деҳқон хўжаликларигина чорва маҳсулотлари, асосан сутни қайта ишлайди. Оддий

операция йўли билан қайта ишланган сутдан асосан қатиқ, қаймоқ, творог, сариёғ тайёрланади. Мураккаб қайта ишлайдиган ускунанинг йўқлиги ва нархининг баландлиги (сўралганларнинг 49 фоизи), кўникма етишмаслиги (20 фоизи) ва сотиш имкониятларининг чеклангани (25 фоизи) туфайли кўлланилмаяпти. Чорвадор-фермерларнинг 15,3 фоизи ўзи ишлаб чиқарган ва сотиб олган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланади. Асосан сут (қайта ишлаш билан шуғулланаётганларнинг 86,6 фоизи), гўшт (20,9 фоиз), жун (6 фоиз) қайта ишланмоқда.

Сўров иштирокчилари аксарият фермерлар қайта ишлаш билан шуғулланмаётганининг сабаблари орасида қуйидагиларни айтди:

- ускуна сотиб олиш имконининг йўқлиги - 41,3%;
- ускунанинг ҳаддан зиёд қимматлиги - 34%;
- қайта ишлаш билан шуғулланиш фойдасизлиги - 14,3%;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мутахассислар йўқлиги - 10,9%;
- қайта ишланган маҳсулотни сотиш имкониятининг йўқлиги - 10,2%;
- коммунал хизматлар кўрсатишда узилишлар (электр, сув, газ) қайта ишлаш билан шуғулланиш имконини бермаслиги - 2,8%;

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш тармоғининг етарлича ривожланмагани билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун чоралар кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1047-Қарори буни тасдиқлайди. Ушбу ҳужжатга кўра, сут ва гўштни қайта ишлаш билан шуғулланадиган ишлаб чиқарувчиларга қўшимча имтиёзлар бериш, жумладан, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловини 50 фоизга камайтириш кўзда тутилган.

3.3.1-жадвал

Пастдарғом туманида чорвачилик махсулотлари ишлаб чиқариш ҳолати таҳлили (2010-2012 й.й)*

Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 йида 2010 йилга нисбатан ўзгариши	
				Мутлоқ (+,-)	Ниспий %
Барча тоифа хўжаликларида					
Гўшт тирик вазинда (тонна)	15062	15732	16759	1697,1	111
Сут (тонна)	83854	83732	93399	9545,2	111
Тухум (минг дона)	16078	16062	21963	5885,4	137
Жун(тонна)	185	237,10	245,70	60,7	133
Фермер хўжаликларида					
Гўшт тирик вазинда (тонна)	149,3	158,1	160,9	11,6	108
Сут (тонна)	1790	2937,5	3634,3	1844,3	203
Тухум (минг дона)	1413,6	1014	1519,4	105,8	107
Жун(тонна)	2	6	7,1	5,1	355
Дехқон хўжаликларида					
Гўшт тирик вазинда (тонна)	14822	15481	16474	1652,0	111
Сут (тонна)	81875	80604	89549,6	7674,6	109
Тухум (минг дона)	14586	14968	20354,5	5768,5	140
Жун(тонна)	185	231	237,6	52,6	128
Қишлоқ хўжалик корхоналарида					
Гўшт тирик вазинда (тонна)	91	93	124,5	33,5	137
Сут (тонна)	189	190	215,3	26,3	114
Тухум (минг дона)	78	80	89,1	11,1	114
Жун(тонна)	0,2	0,1	1	1,0	500

*Манба: Пастдарғом туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг 2010-2012 йиллар ҳисоботлари

Юқоридаги жадвал малумотларидан кўришиб турибдики 2012 йилда гўшт ишлаб чиқариш ҳажми 16759 тоннани ташкил этган бўлиб 2010 йилга нисбатан 11% ортган ташкил этган гўштнинг асосий қисмини деҳқон хўжаликларнинг улушига тўғри келиб 98,2% ташкил этди, фермерларнинг улуши 1% ни ташкил этган. Сут ишлаб чиқаришда бў кўрсаткичлар 2012 йилда барча соҳаларда 93399 тоннани ташкил этган бўлиб шундан фермер хўжаликларининг улуши 3,9 % ни эгаллади 2010 йилга нисбатан 1844 тоннага ортган сабаби қарамоллар бош сонининг ортиши билан маҳсулдорлик кўрсаткичларини кўтарилиши асосий омилдир.

3.3.2-жадвал

Пастдарғом туманида чорва махсулотларини ишлаб чиқариш рентабеллиги тахлили(2010-2012 й,й)*

(минг сўм)

Йиллар	Махсулот турлари	Жами ишлаб чиқарилган махсулот (тонна ёки минг дона)	Жами махсулотга қилинган харажат	Жами махсулотни сотишдан тушган даромат	Жами фойда	1 тонна махсулот таннарни	1 тонна махсулот сотиш бахоси	1 тонна махсулот сотишдан олинган фойда	Рентабеллик %
2010 йил	Гўшт	15062	85732904	95071344	9338440	5692	6312	620	10,9
	сут	83854	60374880	67921740	7546860	720	810	90	12,5
	тухум	16078	3054820	3488926	434106	190	217	27	14,2
	жун	185	115625	110630	-4995	625	598	-27	-4,3
2011 йил	Гўшт	15732	100684800	111854520	11169720	6400	7110	710	11,1
	сут	83732	60538236	68660240	8122004	723	820	97	13,4
	тухум	16062	3822756	4095810	273054	238	255	17	7,1
	жун	237,1	168341	149373	-18968	710	630	-80	-11,3
2012 йил	Гўшт	16759	137624908	152842080	15217172	8212	9120	908	11,1
	сут	93399	71450235	85179888	13729653	765	912	147	19,2
	тухум	21963	6039825	7028160	988335	275	320	45	16,4
	жун	245,7	168304,5	169533	1228,5	685	690	5	0,7
2012 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши (+,-)	Гўшт	1697,1	51892004	57770736	5878732	2520	2808	288	0,2 пункт
	сут	9545,2	11075355	17258148	6182793	45	102	57	6,7 пункт
	тухум	5885,4	2985005	3539234	554229	85	103	18	2,2 пункт
	жун	60,7	2869380	3428604	559224	-540	-495	45	-3,6 пункт

*Манба: Пастдарғом туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг 2010-2012 йиллар ҳисоботлари

3.3.2-жадвал малумотларидан кўриниб турибдики Пастдарғом туманида чорва махсулотларини ишлаб чиқариш рентабеллиги тахлили шуни кўрсатадики 2010 йилда жами ишлаб чиқарилган гўшт миқдори 15062 тоннани ташкил қилган бўлса 2012 йилда бу кўрсаткич 16759 тоннани ташкил қилди бу ўз навбатида 1697 тоннага ортган натижада 2012 йил гўшт ишлаб чиқаришдан келган фойда 5878.7 млн сўмга ортган бўлиб рентабиллик даражамиз 0,2 пунктни эгаллади. Сут ишлаб чиқаришни тахлил қилганимизда 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 9545,2 тонна сутни ортиқ ишлаб чиқаришга эришилган бўлиб фойда 6182.7 млн сўмга ортган, шунингдек 1 тонна сут сотишдан тушадиган тушум 2012 йилда 912 минг сўм бўлган бўлса жами махсулотни сотишдан тушган даромат 85179.8 млн сўмни ташкил этди натижада сут ишлаб чиқариш соҳасида 19,2 % рентабелликга эришилди ва бу 2010 йилга нисбатан 6,7 пунктга ошган. Туҳум ишлаб чиқаришга қилинган жами махсулотга қилинган харажат 2012 йилда 6039,8 млн сўмни ташкил этиб , махсулотни сотишдан тушган даромат 7028,1 млн сўм бўлиб жами фойда 988,3 млн сўмни ташкил этди бу кўрсатки 2010 йилга нисбатан 554,2 млн сўмга ошганини кўришимиз мумкин умумий рентабеллик даражаси 2010 йилга нисбатан 2,2 пунктга ошганлигини . Тахлиллар натижасида жун ишлаб чиқариш хажмининг пастлиги ва зарар билан чиққанлигининг асосий сабаби махсулотларнинг сифат даражасининг пастлиги ва қайт ишлаш имкониятини паст кўрсаткичли эканлиги соҳа ривожини таъминламаяпти умуман олганда махсулотларни ишлаб чиқариш билан бир қаторда унинг сотиш каналларининг мавжудлиги бозор инфратузулмасининг шаклланиши ўлароқ маҳаллий лаштириш дастури асосида махсулотларни қайта ишлаш ва уни таёр махсулот кўринишида сотиш лозим деб ҳисоблаймиз туманида чорва махсулотларини ишлаб чиқариш рентабеллиги тахлилинатижасида соҳалар ривожланаётганлигини такидлаймиз.

4. Иқтисодий эркинлаштириш даврида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни такомиллаштириш йўллари

4.1. Чорвачиликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида чорвачилик асосий тармоқлардан бири бўлиб узоқ йиллардан бери айрим соҳанинг рентабеллигини ошириш учун қуйдаги омил ва имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш зарур.

- республикада аҳоли бандлиги ва даромадини ошириш мақсадида кам таъминланган оилаларга 2878 бош қорамол бепул тарқатиб берилди;

- шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қорамол сотиб олиш учун тижорат банклари томонидан жами 5,5 млрд. сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди;

- чорва молларнинг кучли озуқаларга бўлган талабини қондириш ва шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари чорва молларига омухта ем, пахта шроти ва шелухасини узлуксиз етказиб бериш мақсадида 1950 та шаҳобчалар ташкил этилди.

Чорвачиликни ривожлантиришга тусқинлик қилаётган муаммолар

1. Озуқа экин майдонларининг чорва моллари бош сонига мутаносиб жойлаштирилмаганлиги;

2. Озуқа экин майдонларидан унумли фойдаланиш ва экинларининг ҳосилдорлик даражасининг пастлиги;

3. Ем-хашак ўрим-йиғим техникаларининг етишмаслиги;

4. Наслчилик ишларининг талаб даражасида йўлга қўйилмаганлиги;

5. Наслли мол тайёрлаб сотиш ва четдан наслли моллар келтиришнинг камайганлиги;

6. Тўла қамровли зооветеринария хизмати кўрсатилмаётганлиги;

7. Зооветеринария пунктларининг жиҳозланиш даражаси талабга жавоб бермаслиги;

8. Кредит ресурслари билан етарли даражада таъминланмаганлиги

Бугунги кунда Республикада наслчилик хўжалиги мақомини олган хўжалик юритувчи субъектлар сони жами 633 тани, шундан 344 таси наслчилик хўжаликлари ташкил этади. Режага асосан 37 та зооветеринария пунктлари ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 43 та зооветеринария пунктлари ташкил этилди ва уларнинг сони 2486 тага етказилди. Пуллик хизмат кўрсатиш эса ўтган ҳисобот даври давомида 1774,8 млн сўмлик пуллик хизматлар кўрсатилди. Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида маҳсулдор насли молларни кўпайтириш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида 258,6 минг бош она моллар сунъий уруғлантирилди. Она молларни сунъий уруғлантиришнинг афзаллиги ва моҳияти тўғрисида жойларда ветеринария мутахассислари томонидан аҳолига тўғридан-тўғри ва оммавий ахборот воситалар орқали тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Чорва моллари наслини яхшилаш мақсадида охириги беш йил ичида чет давлатлардан 16 минг 771 бош насли қорамоллар олиб келинди. Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари чорва молларига малакали ветеринария хизматларини кўрсатиш мақсадида зооветеринария пунктлари сони 2 минг 443 тага етказилди. Кейинги 5 йилда зооветпунктлар орқали пуллик хизмат кўрсатиш 6 бароварга ошиб, 2009 йилнинг ўзида 6 млрд. 300 млн сўмни ташкил этди.

Шу давр ичида сигир ва такаларни сунъий уруғлантириш 10 баробарга ошиб, 1 млн бошни ташкил этди.

1. Зооветеринария хизматлари:

- Табиий ва сунъий уруғлантириш
- Чорва молларнинг озуқа базасини яхшилаш;
- Чорва молларни жойлаштириш ва ер майдонлари билан таъминлаш;
- Чорва молларнинг эпидемик касалликларига қарши кўрашиш (чўчқа гриппи, парранда гриппи, сибир яраси);
- Емлаш ишларини олиб бориш

- Профилактика ишларини олиб бориш (бир жойдан бошқа жойга кўчирганда, яйловларга олиб чиққанда туёқ остини дорилаш);
 - Чорва молларнинг бошқа турли касалликаларига қарши кўрашиш
2. Чорвачиликда ахборот консалтинг хизмати
- Рацион тузишда (чорва моллар зотиға, туриға, ёшиға, жойлашганлиғига, оғирлиғига қараб);
 - Чорвачиликда маҳсулдорликни оширишда;
 - Чорвачилик маҳсулотларини реализация қилишда;
 - Бозор конъюнктурасини ўрганиш;
3. Наслчилик ва селекция ишлари;
4. Чорвачиликда техник сервис хизматларини кўрсатиш (муқобил МТП, транспорт хизмати, СИУ);
5. Банк, суғурта, биржа ва бошқа бозор инфратузилмаси хизматлари.

Хулоса ва таклифлар

Шундай қилиб, таҳлиллар шуни кўрсатадики, қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш чорвачилик хўжаликларини катталаштириш ва тижоратлаштириш даражасини юксалтиришга ёрдам беради:

1. Чорва моллари маҳсулдорлиги ва сифатини ошириш.
2. Ерни хўжаликлараро ва хўжалик ичида, жумладан, ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқларини (субижара ҳуқуқи, ижара ҳуқуқини сотиб олиш ҳуқуқи ва бошқалар).
3. Чорва молларини парваришлаш ва чорва маҳсулотини сотишни ташкил этишда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш учун деҳқон хўжаликлари ўртасида, деҳқон ва фермер хўжаликлари ўртасида кооперация алоқаларини кенгайтириш.
4. Рақобатни ривожлантириш, маъмурий тўсиқларни бартараф этиш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш орқали ресурслар ва чорва маҳсулотлари бозорини такомиллаштириш.
5. Қишлоқ жойларда микромолиялаш соҳасини кенгайтиришни рағбатлантириш.
6. Чорва маҳсулотларини қайта ишлаш тармоғини ривожлантиришни рағбатлантириш.

